

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

5/2018

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк»
Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: Os_odilsudlov@mail.ru
Email: Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 17 майда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6370 нусха.

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.

Босмахона манзили:
Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-
матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент
шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.....3

ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....10

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Д. Арипов. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг аҳамияти.....23

Б. Қиличов. Бош мақсад — инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш.....29

МУЛОҲАЗА

А. Сафаев. Оила — суд ҳимоясида.....32

МУНОСАБАТ

А. Атажанов. Коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий асослари..35

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Мирзаев. Жиноят ишларида экспертиза тайинлаш асослари.....37

З. Худайбердиев. Жиноят ишида далилларни текшириш ҳамда баҳолаш.....40

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Т. Турдимуратов. Жиноятга жазо муқаррар.....43

ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ

Д. Махмудов. Суғурта хизматларини тартибга солишни такомиллаштириш истикболлари.....44

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

М. Камалов. Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг функцияси.....47

СУД ОЧЕРКИ

Н. Раҳмонова. Фирибгарнинг чўнтагига йўлни ўзимиз топиб бораёпмиз.....53

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

У. Мингбоев. Ўтганларни хотирлаш — муқаддас бурчимиз.....56


С. Саййид. 450 000 лола.....61

АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ

Ф. Умурзоқ. Онангнинг холини сўраб қўй, дўстим.....62

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....63

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....117



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 14 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган*

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган.

1) қуйидаги мазмундаги **230¹** ва **230²-моддалар** билан тўлдирилсин:
«230¹-модда. Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши), —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;
б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

230²-модда. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш)

Жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш), —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **235-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамокқа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воқеасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

з) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида содир этилган бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **237 ва 238-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«237-модда. Ёлғон хабар бериш

Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача микдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;
 - б) ғаразгўйлик ниятларида;
 - в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
 - г) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
- Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

238-модда. Ёлғон гувоҳлик бериш

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш —

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
- б) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар;

2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **19-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланади, бундан ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) **22-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим»;

3) **53-модданинг биринчи қисмидаги** «далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни» деган сўзлар «далилларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **87-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин»;

5) **91-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўта оғир жиноятлар бўйича ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт»;

6) қуйидаги мазмундаги **95¹-модда** билан тўлдирилсин:

«95»-модда. Далилларнинг мақбул эмаслиги

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

б) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади»;

7) **241-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли»;

8) **426-модданинг олтинчи қисмидаги** «стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди» деган сўзлар «стенограмма юритилиб, унинг материаллари жиноят ишига қўшиб қўйилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746-ХП-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-П-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) **31-моддаси** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Прокурор ушлаб турилганларни, камоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган, камоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий камоққа тортилган шахслардан жиноятлар тўғрисида олинган аризалар, хабарларни ва бошқа маълумотларни дарҳол рўйхатга олиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини;

ушбу шахсларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатилиши ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатилиши эҳтимолини;

қонунга хилоф равишда интизомий жавобгарликка тортишнинг ҳар бир фақти ҳақида юқори турувчи прокурорни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлигини мажбурий текширишни амалга ошириши шарт».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 8-банди мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 апрель,
№ ЎРҚ—470*



ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ

5-1384-17-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 30 ноябрдаги
ажримдан кўчирма)

Назорат инстанцияси маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келганда ва бу модда шахсни жиноий жавобгарликдан, жазодан озод этишни ёки жазо қўлланилишини истисно этишни назарда тутувчи амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда, тегишли инстанция суди биринчи инстанция суди қилмишини тўғри квалификация қилганда қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2017 йил 16 мартдаги ҳукмига кўра Ф.Усмонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 167-моддаси учинчи қисмининг «а» банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдорида — 23 877 000 сўм, 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида — 7 959 000 сўм, 228-моддасининг учинчи қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида — 3 979 500 сўм, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз ўн баравари миқдорида — 24 672 900 сўм жарима жазосига тортилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 16 майдаги ажрими билан суд ҳукмининг Ф.Усмоновга оид қисми ўзгартирилиб, 1-сонли ферма мудир К. Эшматовнинг ва 2-сонли ферма мудир Д.Бахтиевнинг жавобгарлигида бўлган жами 1120 бош (224 000 000 сўмлик) қўйни, шунингдек «Яндама» ширкат хўжалигига фойдаланиш учун ажратилган яйлов ер майдонларини фуқароларга иккиламчи ижара шартномаси асосида ажратиб бериб, улардан олинган нақд пул ва натура шаклида тўланган жами 2 060 000 сўм маблағни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш эпизодлари чиқарилган.

Мазкур ҳукм билан О.Боқиев, К.Султонов, Д.Бахтиев, М.Ўтаев ва Ж.Жавлонов ҳам судланган бўлиб, суд қарорларининг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.Усмонов:

2011 йил 1 мартдан 2012 йил 1 январга қадар «Яндама» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, нодавлат тижорат ташкилотининг

мансабдор шахси бўлгани ҳолда бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан мазкур хўжаликнинг 2011 йил март ойида 3-сонли ферма мудирини О.Боқиев жавобгарлигида бўлган 573 бош, 2011 йил сентябрь ойида 190 бош, 2011 йил октябрь ойида 1-ферма мудирини К.Эшматов жавобгарлигида бўлган 268 бош, 2-сонли ферма мудирини Д.Бахтиев жавобгарлигида бўлган 653 бош, 3-сонли ферма мудирини О.Боқиев жавобгарлигида бўлган 480 бош, бугунги кундаги бозор баҳосида 496 480 000 сўмлик жами 2164 бош (жуда кўп миқдордаги) қўйларни ширкат хўжалигида муқаддам ишлаб кетган ишчи-ходимлар номига доимий равишда ойлик иш ҳақи, мукофот (натура) ва бошқа турдаги рағбатлантириш тарзида тарқатилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисоботларидан чиқим қилиб, тўлов қайдномаларига ишчи-ходимларнинг имзоларини уларнинг номидан сохталаштириб қўйиб, давомли равишда ушбу чорва молларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилганликда;

бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ширкат хўжалигига тегишли 155 бош чорва молларини турли хўжалик юритувчи субъектларга натура шаклида топшириб, 440 бош чорва молларини далолатнома асосида бозорларда нақд пулга сотиб, харид қилинган ем ва хашак озуқаларини ўз манфаати йўлида ишлатиб, уларни сохта ҳужжатлар асосида ширкат хўжалиги ҳисоботларидан чиқим қилиб, ширкат хўжалигининг 42 400 000 сўмлик (анча миқдордаги) мол-мулкни такроран ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилганликда;

жиноий ҳаракатларини давом эттириб, С.Абдуллаев, О.Боқиев, К.Эшматов, Д.Бахтиев, У.Раимов ҳамда ширкат хўжалиги ҳайдовчиси Ж.Жавлонов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали тузилган жиноий режага кўра, 2011 йилда ширкат хўжалигининг 80 бош чорва молларини бозорларда 8 000 000 сўмга нақд пулга сотиб, сотувдан тушган пул маблағлари ҳисобига 8 000 000 сўмлик ёқилғи маҳсулотлари олинганлиги ҳамда ушбу ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ширкат хўжалигига тегишли транспорт воситаларига сарфланганлиги тўғрисида такроран сохта далолатномалар тузиб, хўжаликнинг 8 000 000 сўмлик мол-мулкни такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, «Яндама» ширкат хўжалиги ҳамда унинг аъзолари манфаатларига жиддий зарар етказганликда айбдор деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам

енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида» 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарорининг 16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзга келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, иш бўйича қайд этилган Қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

«Олтинкўл» уюшмаси мутахассиси В.Париев судда «Яндама» ширкат хўжалигининг 2007 йил 1 январдан 2016 йилга қадар ҳаром ўлган чорва молларининг ҳисоботдан чиқарилиши юзасидан текшириш ўтказгани, текширишда хўжаликининг ҳисоботларида 2016 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига жами 32 708 бош майда шохли моллар мавжудлиги кўрсатилгани, ишчи гуруҳи томонидан хўжаликнинг чорва моллари санокдан ўтказилганида жами 2 012 бош майда шохли моллар борлиги, ҳисоботга нисбатан 30 696 бош майда шохли моллар кам эканлиги аниқлангани, ушбу майда шохли молларнинг кам чиқиш сабаблари ўрганилганда, ветеринария бўлими ходимлари томонидан «Яндама» ширкат хўжалиги ҳисобида бўлган 1 494 бош майда шохли моллар 2005 йилда ҳаром ўлганлиги аниқланиб, ушбу моллар 2012 йил ноябрь ойида камомаддан чиқарилгани, лекин ушбу молларнинг аслида бўлмаган кўзилари 2005 йилдан 2016 йилгача сунъий равишда кўпайиб, ширкат хўжалигининг ҳисоботларига қўшиб келингани, ҳаром ўлган чорва моллари 2016 йил декабрь ойида ҳисоботдан чиқарилгани, 2005—2016 йилларда сунъий равишда ширкат хўжалиги ҳисоботларига 15 011 бош майда шохли моллар қўшиб ёзилганини баён этган.

«Назорат аудит» аудиторлик фирмаси аудитори Т.Тўхтаев судда «Яндама» ширкат хўжалигида ўтказилган текшириш далолатномаси билан танишиб чиққани, 2016 йил 1 сентябрь ҳолатига ширкат хўжалиги ҳисоботларида 32 708 бош майда шохли моллар мавжудлиги акс эттирилгани, 2008 йил қиш мавсумида ҳаром ўлиб, 2008—2016 йиллар мобайнида аслида туғилмаган, лекин ҳисоботларга қўшиб ёзилган кўзилари билан бирга жами 15 685 бош майда шохли чорва моллар 2016 йил декабрь ойида ширкат хўжалигининг ҳисоботидан чиқарилгани, 2005 йилда ҳаром ўлган 1 494 бош майда шохли чорва моллари 2012 йил ноябрь ойида ширкат хўжалигининг ҳисоботидан чиқарилганлигини,

бирок 2005 йилда ҳаром ўлган майда шохли молларнинг аслида туғилмаган кўзилари ҳисоботларда туғилганлиги ҳақида маълумотлар киритилиб, 2016 йилга қадар ҳисоботдан чиқарилмасдан сунъий равишда кўпайиб келганлигини, бирламчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, ширкат ҳўжалигида ўтказилган мониторингта асосан ҳисоботларга кўшиб ёзилган майда шохли молларнинг сонини аниқ ҳисоблаб бўлмаслигини баён этган.

«Навоий-қоракўл» уюшмаси мутахассиси В.Париев томонидан кассация инстанцияси судига тақдим қилинган маълумотномада ҳам 2005—2016 йилларда сунъий равишда ширкат ҳўжалиги ҳисоботларига жами 15 011 бош майда шохли моллар кўшиб ёзилгани кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 25 августдаги ажрими билан О.Боқиев, К.Султонов, Д.Бахтиев ва М.Ўтаевнинг айбидан ширкат ҳўжалиги ва унинг аъзолари манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликдаги айб эпизоди чиқарилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Ф.Усмонов «Яндама» ширкат ҳўжалиги бош ҳисобчиси сифатида, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ширкат ҳўжалигининг анча миқдордаги мол-мулкларини такроран ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Ўз навбатида, Ф.Усмоновнинг айбидан ширкат ҳўжалигининг жуда кўп миқдордаги (496 480 000) сўмлик 2 164 бош кўйларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш эпизодини чиқариш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги қарорининг 29-бандида апелляция, кассация, назорат инстанцияси маҳқумнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келганда ва бу модда шахсни жиноий жавобгарликдан, жазодан озод этишни ёки жазо қўлланилишини истисно этишни назарда тутувчи амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда, тегишли инстанция суди биринчи инстанция суди қилмишни тўғри квалификация қилганда қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати Ф.Усмоновнинг ҳаракатини ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «а» бандидан шу модда иккинчи қисмининг «б», «в», «г» бандларига қайта квалификация қилишни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, Ф.Усмоновни ЖКнинг 167-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в», «г» бандлари, 228-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандлари ва 228-моддасининг учинчи қисми билан айбли деб топиб, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-банди ва ЖПК 463-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан жазодан озод қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

* * *

13-4849-17-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 12 октябрдаги
ажримдан кўчирма)

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиши тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин

Ҳарбий суднинг 2016 йил 22 декабрдаги ҳукмига кўра Б.Собиров (исм-фамилиялар, ҳарбий қисм рақами ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 301-моддасининг биринчи қисми билан пул таъминотининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил хизмат бўйича чеклаш жазосига судланиб, 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 18 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Собиров 54119-сонли ҳарбий қисм озиқ-овқат хизмати бошлиғи, яъни мансабдор шахс лавозимида хизмат қилиб, ваколат доирасидан четга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат Низомининг 13, 14, 64-моддалари талабларини бузиб, 2016 йил 25 сентябрь куни соат 06:40 ларда аскарлар ошхонасига навбатчи бўлиб тайинланган хизмат бўйича бўйсунувчи, шартнома асосидаги оддий аскар М.Саидовнинг хизмат жойида бўлмагани ва ошхона тозаланмаганлигини важ қилиб, унинг танасининг турли жойларига уриб, соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил шикаст етказиб, М.Саидовнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлганликда айбли деб топилган.

Б.Собиров судда айбига тўла иқроор бўлиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, воқеа куни М.Саидов хизмат жойида бўлмагани ва ошхона тозаланмаганлигидан жаҳли чиқиб, уни урганлигини баён этган.

Жабрланувчи М.Саидов судда воқеа куни озиқ-овқат хизмати бошлиғи Б.Собиров аскарлар ошхонаси тозаланмаганлиги сабабли, уни уриб, тан жароҳати етказгани, ҳозирда Б.Собировга нисбатан даъвоси йўқлигини баён этган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Б.Собиров М.Саидовга тан жароҳати етказган.

ЖКнинг 66-моддасида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни баратараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 84-моддаси талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очирилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни баратараф қилган бўлса, жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 2006 йил 3 февралдаги қарорининг 2-бандида ҳам ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўллаш шартлигини англамаслиги, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни очишга фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларнинг жазодан ва жавобгарликдан озод қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, иш бўйича Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилинмаган.

Биринчи ва кассация инстанция судлари Б.Собировнинг муқаддам судланмагани, қарамоғида бир нафар фарзанди бўлиб, иш ва яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, ҳарбий қисм ҳамда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлигининг ишни тугатиш ҳақидаги илтимосномаларини, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, жиноятни фош этишда ёрдам бериб, тергов ва судда тўғри кўрсатувлар берганлиги каби ҳолатлар уни жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлишини инобатга олмай, жиноят ишини тугатиш масаласини муҳокама қилмаган.

Бундай ҳолатда Б.Собировга нисбатан чиқарилган суд қарорларини адолатли ва асосли деб бўлмайти.

Шу сабабли, судлов ҳайъати Б.Собировга оид суд қарорларини бекор қилиб, уни ЖКнинг 66-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилган ҳолда, ЖК 301-моддасининг биринчи қисми билан унга нисбатан юритилган жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатишни лозим, деб ҳисоблайди.

* * *

№ 7-77-18-СОНЛИ ИШ

(2018 йил 1 февралдаги
қарордан кўчирма)

Суд қарори процессуал ҳуқуқ нормаларига аниқ риоя этилган ва ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган тақдирда қонуний ҳисобланади

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2014 йил 2 ноябрдаги қарорига асосан М. Бердиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК) 176-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, ушбу Кодекснинг 21-моддаси қўлланилиб, маъмурий жавобгарликдан озод қилиниб, огоҳлантириш билан кифояланган. Шунингдек, далилий ашё сифатида олинган 6 тонна 55 000 сўмлик кумни давлат даромадига ўтказиш белгиланган.

Туман маъмурий судининг 2017 йил 21 августдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори, шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 19 октябрдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш лозим бўлади. Суд қарорларига кўра, М. Бердиев 2014 йил 9 октябрда юк машинасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз кум билан савдо қилаётганида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширилиб, унинг ҳаракатлари МЖТК 176-моддасининг иккинчи қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисобланиб, МЖТК 176-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, ушбу Кодекснинг 21-моддаси қўлланилиб, у маъмурий жавобгарликдан озод қилиниб, огоҳлантириш билан кифояланган ҳамда далилий ашё сифатида олинган 6 тонна 55 000 сўмлик кум давлат даромадига ўтказилиши белгиланган.

Аммо, МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулк

зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган бўлса-да, ишни кўришда ушбу талабларга тўлиқ риоя этилмаган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, давлат унитар автожамланмаси ҳайдовчиси М. Бердиев унга шартнома асосида бириктирилган транспорт воситасидан 2014 йил 9 октябрда қонуний равишда фойдаланган.

Ушбу ҳолатни бошқача талқин қилиб бўлмайди. Чунки, бу ҳолат давлат унитар автожамланмаси раҳбари ва ҳайдовчи ўртасида 2014 йил 25 сентябрда тузилган 331-сонли шартнома, вилоят ИИБ ЙҲХБ томонидан берилган гувоҳнома, давлат унитар корхонаси диспетчери томонидан ҳайдовчига берилган йўл варақаси, ушбу автомашинага қўйилган газ баллонларининг синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, далилий ашё сифатида олиб қўйилган қум маҳсулотининг сотиб олинганлиги тўғрисидаги фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки билан тасдиқланади.

Ваҳоланки, ушбу далилларнинг биронтаси текширувчилар томонидан инобатга олинмаган, суд томонидан ишни кўришда муҳокама этилмаган ва уларга ҳуқуқий баҳо берилмаган. М. Бердиев эса, давлат унитар автожамланмасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб, шу корхона билан тузилган шартнома асосида Ўзбекистон ҳудуди бўйича ҳар хил юкларни ташиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш билан шуғулланган ва корхона ғазнасига ҳар ойда 409 400 сўм топшириб келган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари фаолиятнинг лицензияланадиган турларини, фаолиятнинг ушбу турларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда, тегишли лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидирлар.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган автожамланмалар ҳайдовчиларидан алоҳида лицензия талаб қилинмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги ЙҲХ Бош

бошқармасига юборган 2017 йил 12 январдаги хатида ҳам таъкидланган.

Бундан ташқари, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 30 сентябрдаги буйруғида текшириш ўтказадиган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилмаган. Бунинг оқибатида текшириш унинг тартиби ва қоидаларига риоя этилмасдан ўтказилган, оқибатда давлат солиқ хизмати органи ходимларининг хатти-ҳаракатлари натижасида фуқаро М. Бердиевнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган.

М. Бердиев кассация шикоятда бир неча автомашиналар келиб, олдини тўсганлигини, ўзларини солиқ органи ходимлари деб, унинг гапларини эшитмасдан, ноқонуний қум сотгансиз деб, автомашинани ўзбошимчалик билан тинтиб, ҳужжатларини олиб қўйгани, 5-6 киши уни ўртага олиб, қаматиб юборамиз, машинангни олиб қўямиз деб, кўрқитиб ва алдаб, ҳужжатларни унга имзолаганлигини, далолатнома тузилганда ҳолислар бўлмаганлигини баён қилган.

Ваҳоланки, давлат органи ўз фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Шундай экан, бундай ҳолатда текширувчиларнинг давлат унитар автожамланмаси ҳайдовчисидан қурилиш маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи тадбиркорлик гувоҳномасини тақдим этишни талаб қилиши ноқонунийдир.

Шунингдек, ишни юритишда МЖТКнинг 307-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга, ҳуқуқбузарнинг шахси ва ишнинг тўғри ҳал этилишида аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар ҳам аниқланмаган. Оқибатда суд қарорларида ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар тўлиқ ва ҳаққоний кўрсатилмаган.

Суд инстанциялари маъмурий ишни кўришда МЖТК талаблари ва Олий суд Пленумининг тушунтиришларига тўлиқ риоя қилмаган, МЖТК 309-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суд қарорларида ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг тўлиқ баёни кўрсатилмаган.

Оқибатда иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан ва исботланмасдан, ишдаги далиллар М. Бердиевнинг иштирокида текширилмасдан ва уларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, нотўғри хулосага келинган.

Туман маъмурий судининг 2017 йил 21 августдаги қарорида ҳам юқорида кайд этилган ҳолатларга эътибор берилмаган. Аксинча, М. Бердиевнинг ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби йўл-ҳаракати қоидаларининг бузилганлиги ҳақидаги баённомалар, тушунтириш хатлари билан тўлиқ ўз

тасдиғини топган деб ҳисобланиб, биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Ҳолбуки, суд қарорида йўл-ҳаракати қоидаларининг мазкур ишга қандай алоқаси борлиги, ушбу қоидаларнинг айнан қайси нормаси бузилганлиги асослантилмаган.

Кассация инстанцияси суди ҳам юқорида қайд этилган ҳолатларга эътибор бермасдан, иш тафсилотларини, М. Бердиевнинг важларини атрофлича текширмасдан ва ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, ҳуқуқбузарнинг айби далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблаб, биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда ушбу иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайди. Суд қарори процессуал ҳуқуқ нормаларига аниқ риоя этилган ва ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган тақдирда қонуний ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолатларга асосан МЖТК 271-моддасининг 1-бандига мувофиқ М. Бердиевнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва аломати йўқлиги инобатга олиниб, ушбу иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниши ва иш юритиш тугатилиши лозим.

* * *

10-1612/7831-СОНЛИ ИШ

(2018 йил 24 январдаги
қарордан кўчирма)

Бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишига оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шарт ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради

«Кўчатзор Файз» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Кармана туман Ободонлаштириш бошқармасидан (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) 106 775 000 сўм асосий қарз, 53 387 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2016 йил 4 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман

қаноатлантирилган. Бошқармадан МЧЖ фойдасига 106 775 000 сўм асосий қарз, 15 000 000 сўм пеня ундирилган. Даъво талабининг қолган қисми рад этилган.

Кейинчалик суднинг 2017 йил 3 майдаги ажрими билан МЧЖнинг ижро ҳужжатини ижрога тақдим этиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, ушбу муддат тикланган.

Иш апелляция, кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Протестда суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган Бошқарма раҳбари протестни қувватлаб, шартнома қонунга зид равишда тузилганлигини, ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилмаганлигини, шартнома, ишончнома, ҳисоб-фактуралар номигагина тузилганлигини, аслида шартномада кўрсатилган маҳсулот Бошқармага етказиб берилмаганлигини ва кирим қилинмаганлигини маълум қилиб, даъвогар томонидан талабнома юбориш тартибига риоя қилинмаганлиги сабабли суддан даъвони кўрмасдан қолдиришни сўраган.

Бошқарма вакили шартнома ва унинг юзасидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида, яъни 2015 йил декабрда Бошқарманинг бош ҳисобчи лавозимида ишлаганлигини, ишончнома, ҳисоб-фактура, солиштирма далолатномаларини ўзи имзолаб берганлигини, аслида Бошқармага ҳеч қандай маҳсулот етказиб берилмаганлигини ва бухгалтерия ҳужжатларига кирим қилинмаганлигини, Бошқарма раҳбарининг буйруғини бажариб, ҳужжатларни имзолаб берганлигини билдирган.

Судлов ҳайъати иш ҳужжатларини ўрганиб, тарафлар вакилларининг кўрсатмалари ва прокурорнинг протестни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга асосан протестни қисман қаноатлантиришни, суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини ҳам қисман қаноатлантиришни лозим, деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2015 йил 24 декабрда олди-сотди шартномаси тузилган. Унга асосан МЧЖ 106 775 000 сўмлик маҳсулотларни (дарахт, гул, газон) Бошқармага етказиб бериш, Бошқарма эса тегишли тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Бошқарма томонидан тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли, МЧЖ даъво аризасида қўйилган талаб билан судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг

3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асосланганди ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Бирок, биринчи инстанция суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмаган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш ҳолати юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланмаган, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг қонунийлигига баҳо берилмаган, оқибатда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига зид ҳал қилув қарори чиқарилган.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги эса ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибда бекор қилиш учун асос бўлади.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, МЧЖ томонидан Бошқармага 106 775 000 сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги 2015 йил 24 декабрдаги ишончнома, ҳисоб-фактура ва далолатнома билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига кўра, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратилмаган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ 594-сонли Қарорининг 6-бандига кўра, бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шарт ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

Шартноманинг 5.1-бандида ҳам шартнома тарафлар ўртасида имзоланиб, Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кириши ва 2015 йил 31 декабргача амал қилиши белгиланган.

Кармана туман Ғазначилик бўлими томонидан тақдим этилган 2017 йил 17 октябрдаги маълумотномага қараганда, мазкур шартнома ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилмаган. Мазкур ҳолат суд мажлисида иштирок этган шахсларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Курилиш

пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, агар ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиққан низони ҳал этишда, шартнома рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланса, судлар мазкур қарорнинг 2.3-бандида белгиланган қоидаларни қўллашлари лозим.

Қарорнинг 2.3-бандида қурилиш пудрати шартномасида муҳим шартларнинг мавжуд бўлмаганлиги ва шунга кўра шартнома тузилмаган деб ҳисобланиши, агар бундай ишларнинг бажарилганлиги ҳолати тақдим этилган далиллар билан исботланса, бажарилган ишлар қийматини ундириш тўғрисидаги талабни рад этишга асос бўлмаслиги қайд этилиб, бундай қурилиш пудрати шартномаси шартлари ва (ёки) қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чорасини (неустойка, фоизлар ундириш, зарарни қоплаш) қўллаш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилиши ҳақида тушунтириш берилган.


Судлов ҳайъати мазкур тушунтириш аналогияга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш шартномасига ҳам татбиқ этилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Демак, даъвогар томонидан судга тақдим этилган шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати даъво талабининг асосий қарзни ундириш қисмини қаноатлантиришни, пеня ундириш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришни рад қилишни, давлат божини даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тақсимлашни, ишни судда кўриш билан боғлиқ бошқа суд харажатларини Бошқарма зиммасига юклашни лозим, деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати жавобгар вакилларининг юк хатида кўрсатилган кўчатлар Бошқармага қарашли ҳудудда экилмаганлиги, улар Бошқарма балансига қабул қилинмаганлиги ҳақидаги вазлари маҳсулот ҳақини ундириш тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Чунки, юқорида қайд этилганидек, маҳсулот олиш учун берилган ишончнома, ҳисоб-фактура ва тарафлар ўртасида тузилган қарздорликни тасдиқловчи таққослаш далолатномаси номигагина тузилган, унинг сохталлиги ёки бировнинг тазйиқи остида тузилганлиги жавобгар томонидан исботлаб берилмади.

Ваҳоланки, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

* * *



МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИНГ АҲАМИЯТИ

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, судларнинг ихтисослашуви, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар асосини ташкил этади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги фармонлари асосида 2017 йил 1 июндан маъмурий судлар ташкил этилиб, уларга оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тузилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жами 218 та маъмурий суд (267 та судьялик штати) фаолият юритмоқда.

Маъмурий судларни ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар суд амалиётига татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги Қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс тасдиқланди ҳамда 2018 йил 1 апрелдан қонуний кучга киритилди.

Мазкур Кодекс 4 та бўлим (умумий қоидалар, биринчи инстанция судида иш

юретиш, суд ҳужжатларини қайта кўриш, суд ҳужжатларини ижро этиш), 29 боб ва 288 та моддадан иборат бўлиб, у фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юретишни тартибга солади.

Шу кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлар рўйхати берилган. Унга кўра, маъмурий судлар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низоларни, давлат бошқаруви, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссияси, нотариал ва ФХДЁ органлари, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича низолашиш, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоятларни, шунингдек қонун билан ваколатига киритилган бошқа низоларни ҳал қилади.

Бунда кўриладиган масалалар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга эса йўл қўйилмайди.

Судловга тегишлилик хусусида ҳам қоидалар белгиланган. Хусусан, судга тааллуқли ишлар туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан кўрилади, истисно тариқасида биринчи инстанция суди сифатида:

- Олий суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судлари давлат сири билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқади.

Ушбу Кодексда илк маротаба суд таркибини шакллантириш тартиби белгиланди. Муайян ишни кўриш учун суд таркиби судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, суд таркибини шакллантиришга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

Кодекснинг 23-моддасида маъмурий суд ишларини юретишнинг иштирокчиларини рад қилиш борасида янгилик сифатида прокурорни, экспертни, мутахассисни, суд мажлиси котибини, таржимонни рад қилиш суднинг ташаббусига кўра ҳам кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу қоида суд мажлисининг

холис ва беғараз ўтказилишига, адолатли ва қонуний қарор чиқарилишига хизмат қилади.

Шунингдек, амалиётда судьяларни бир неча марта рад қилиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, айни бир асослар бўйича такроран рад қилиш ҳолатлари тартибга солинмаган эди. Кодекснинг 23-моддасида айни бир шахс томонидан айни бир асослар бўйича такроран рад қилиш билдирилиши мумкин эмаслиги, такроран рад қилиш билдирилган тақдирда, у кўриб чиқилмаслиги белгиланди.

Амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида мутахассиснинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаган эди. Иқтисодий судлар амалиётида ишни кўришда бирон-бир мутахассиснинг фикрини олиш зарур бўлса, у фаолият юритадиган ташкилот ишга низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган. Мутахассиснинг фикри ўрганилганидан сўнг ҳам кейинги суд мажлисларида унинг иштироки таъминланмаслиги суд қарорининг бекор қилинишига олиб келар эди. Эндиликда Кодексида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш ва илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам кўрсатиш йўли билан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда кўмаклашиш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билим ва кўникмаларга эга бўлган, вояга етган, иш натижасидан манфаатдор бўлмаган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин.

Тарафларнинг далилларни тақдим этиш ва исботлаш мажбурияти бўйича ҳам қоида белгиланиб, маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилди. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб фараз қилинади ва у томонидан тан олинган, деб ҳисобланади. Бу эса, суд процесси тарафларининг тенглигини ҳамда давлат органлари томонидан тегишли далилларнинг мажбурий тартибда судга тақдим этилишини таъминлайди.

Кодекснинг 8-бобида дастлабки ҳимоя чораларини кўриш асослари, турлари, аризани кўриб чиқиш тартиби, ижросини таъминлаш ва бекор қилиш асослари белгиланган.

Хусусан:

- дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза аризачи томонидан ариза (шикоят) билан бирга берилган ҳолларда уни кўриб чиқиш аризани (ши-

коятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан суд томонидан амалга оширилади;

- дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза суд мажлиси чоғида берилган тақдирда, у шу мажлисда кўриб чиқилади;

- агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза иш юритиш жараёнида берилган бўлса, у келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Маъмурий судлар томонидан суд харажатларини тақсимлаш борасида ҳам амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқли равишда муҳим қоидалар белгиланган. Жумладан, Кодекснинг 115-моддасида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб ариза тақдим этилган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши белгилаб қўйилди.

Амалдаги қонунчиликка қўра, бундай ҳолларда давлат божи ундирилмас эди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўришда суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни тегишли тартибда суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш масаласини ҳал қилишда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқлар тўлдирилди, хусусан Кодекснинг 125-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар қўйидаги ҳолларда суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилди:

- ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

- суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

- ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Ҳал қилув қарори бир нусхада тузилади ва ишга қўшиб қўйилади. Суд ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаларини топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали ишда иштирок этувчи шахсларга ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида юборади ёки тилхат олиб топширади, ушбу шахсларнинг электрон почта манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса, ҳал қилув қарори электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан

йигирма кун ўтгач, қонуний кучга киради ва шундан сўнг ижрога қаратилади, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади.

Кодексда белгиланган янги қоидалардан бири судга муурожаат этиш муддатларига оиддир. Кодекснинг 186-моддасига биноан маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида, давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) эса, ўн кун ичида судга берилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш муддатлари ҳам белгиланди. Жумладан, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин. Ушбу муддат ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг кассация шикояти учун олти ой, назорат шикояти учун бир йил деб белгиланган.

Апелляция ва кассация инстанцияси судлари қуйи инстанция судининг қарорини фақат бир ҳолатда: агар ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақлидирлар.

Назорат инстанцияси суди эса юқоридаги асосдан ташқари, агар суднинг арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса, ҳал қилув қарори, қарорни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Ишлар назорат тартибида фақат иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилганидан сўнг кўриб чиқилиши мумкин. Иш назорат тартибида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан – суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар (протест) бўйича, Олий суд Раёсати томонидан эса – Кодекснинг 249-моддасида кўрсатилган шахсларнинг протестлари бўйича кўрилади.

Назорат шикояти Олий суд судьяси томонидан ўрганилиб, натижаси бўйича

беш кунлик муддатда шикоятни қайтариш, қабул қилишни рад қилиш, ўттиз кунлик муддатда шикоятни судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш, шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримлардан бири чиқарилади.

Бунда Олий суднинг раиси ёки унинг ўринбосари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримига қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли.

Кодекснинг 163, 164-моддаларига мувофиқ ҳал қилув қарорини тушунтириш, шунингдек ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларни, давлат ижрочисини ёки суд ҳужжатини ижро этиш зиммасига юклатилган бошқа органларни белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилиши белгиланди. Аввалги Хўжалик процессуал кодексига кўра, бундай аризалар судья томонидан яқка тартибда, ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмаган ҳолда ҳамда суд мажлисида муҳокама қилинмасдан ҳал этилар эди.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш борасида ҳам бир қатор янгиликлар мавжуд. Жумладан, Кодекснинг 269-моддасига кўра, суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришнинг асосларидан бири сифатида ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган нафақат ҳукми, балки ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари ҳам асос бўлади.

Бундан ташқари, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Илгари қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилинмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, янги қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс фуқаро ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ишончли ҳимоя қилувчи қонун ҳужжати сифатида хизмат қилади.

Д. АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузурдаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш
тадқиқот маркази директори

БОШ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг ҳолислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишида уларнинг ролини кучайтириш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Бу ўзгаришларнинг барчаси юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

2000 йил 14 декабрда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилган ҳолда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит яратилди.

Умумий юрисдикция судларининг судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқи Адлия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига, 2017 йил 7 апрелдан эътиборан эса, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига ўтказилди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда Ўзбекистон фуқароси бўлган, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс судья лавозимига тайинланади. Ушбу муддат мобайнида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириши, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаши, ўзига хос ҳаётий тажрибага эга бўлиши мумкин.

Судьяларнинг самарали ишлаши учун зарур шароит яратиш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ойдинлик киритилди.

Хусусан, судьялик лавозимига сайлангани ёки тайинлангани туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади. Бундай иш мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш берилади.

Ваколат муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги муддатга сайлаш ёки тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунига қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади. Бундай ўзгаришлар суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини янада кўтариш, судьялар учун моддий-маиший шароитларни сезиларли даражада яхшилаш, одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш имконини беради.

Судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган қатор вазифалар белгиланди.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантириш механизми такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва тегишли малака ҳайъатларининг вазифалари янада аниқлаштирилди. Кадрлар захирасини шакллантиришда бошқа идоралар, хусусан, адлия, прокуратура, суд ва ички ишлар идоралари иштирок этишининг тартиб-таомиллари белгилаб қўйилди.

Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган захирадаги номзодлар белгиланган тартибда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўқиши ва мамлакатимиз судларида малака ўташи шарт. Бу судьяликка номзодларнинг зарур тайёргарликдан ўтишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Зеро, номзодлар амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятига доир билим, кўникма ва тажрибаларини ошириб бориши, ўз касбининг чинакам билимдони бўлиши лозим.

Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил бўғини сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунуши, суд қарорларининг адолатлилигини таъминлаш суд тизими-ни ислоҳ қилишда асосий мезон бўлиб қолди.

Жамиятда адолатнинг барқарорлиги эса, кўп жиҳатдан судларнинг мустақиллиги билан белгиланади.

Маълумки, судьялар ўз қарорларини давлат номидан чиқаради. Шундай экан, уларнинг бу масъулиятли вазифага давлат раҳбари — Президент томонидан тайинланиши мантикий асосга эга. Зотан, бу судьяларга одил судловни ҳолислик

билан амалга ошириш имконини беради, уларнинг маҳаллий бошқарув органларидан тўла мустақил бўлишини таъминлайди.

Кўпгина ривожланган демократик мамлакатларда судьялар шу давлатларнинг президентлари томонидан тайинланиши тажрибаси эътиборга олинса, Асосий қонунимизда Олий суд раиси, унинг ўринбосарлари ва судьялари Президент тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари ҳамда ҳарбий суднинг раиси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан мамлакатимиз Президенти томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси судларининг раислари ва раис ўринбосарлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг Судьялар олий кенгашининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланиши, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Президент билан келишилган ҳолда Судьялар олий кенгаши томонидан тайинланишига доир қоидалар белгиланганлиги ҳам дунё тажрибасига тўла мос келади.

Суд тизимини юксак ахлоқли, ҳалол, малакали кадрлар билан таъминлаш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Агар судья фақат қонун йўлини тутувчи адолатли шахс бўлмаса, қанча қафолат берилмасин, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш қийин кечади. Шу сабабли, Ўзбекистонда суд тизими таракқиёт тарихига судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, судьядан энг юқори хулқ-атвор, билимдонлик, теран тафаккур, зийраклик, одиллик, виждонийлик талаб этилиши табиий. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг қарори билан янги Судьялар одоб-ахлоқ кодекси қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид конституциявий нормаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳолислигини, фуқаро—жамият—давлат муносабатларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Б. ҚИЛИЧОВ,
Қашқадарё вилоят
маъмурий суди судьяси



ОИЛА - СУД ҲИМОЯСИДА

Халкимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ деб билади, уни қадрлайди. Ўз олдига эркин ва демократик жамият қуриш мақсадини қўйган мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга қаратилган барча шарт-шароитлар яратилган.

Конституциямизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида эътироф этилган.

Оила кодекси эса оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормаларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги қарорида судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотинлар ва улар фарзандларининг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилган.

Ёш оилаларнинг ва вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинларнинг никоҳларини мустаҳкамлашга ва уларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга судлар алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача бўлган муҳлат белгилашга ҳақли.

Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолатларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган хотин-қизлар кўмиталарига, фуқаролар йиғинига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилаётган муҳлат эр-хотиннинг ўзаро

муносабатларини ва уларнинг яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Оилани сақлаш манфаатида суд иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун олти ойгача бўлган муҳлатни белгилашга ҳақли.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилларга асосланган ҳолда ҳамда вилоят, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда иш юритмоқда.

Энг муҳими, судлар томонидан никоҳдан ажратиш ишларини кўриб чиқишда асосий эътибор имкони борича оилаларни сақлаб қолишга ва етарли асосларсиз никоҳдан ажратишга йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Хусусан, 2017 йил давомида 1984 та иш бўйича тарафларга ярашишлари учун муҳлат берилган, 128 та хусусий ажрим чиқарилиб, эр-хотинларни яраштириш чораларини кўриш учун улар яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва хотин-қизлар қўмиталари раисларига юборилган.

Натижада кўплаб эр-хотинларни яраштиришга ва уларнинг оилаларини сақлаб қолишга эришилди.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2017 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар — Т. Н.нинг жавобгар — А. М.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талаби рад этилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 2012 йил 19 октябрда қонуний никоҳ асосида турмуш қуришган. Биргаликдаги турмушларидан ўрталарида икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Ўзаро муносабатлари ёмонлашгани сабабли тарафлар 2017 йил май ойидан буён бирга яшамайдилар. Даъвогар бундан буён жавобгар билан бирга яшашни хоҳламаслигини баён этган.

Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим. Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвои рад этади.

Биринчи инстанция суди қайд этилган талаблардан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини рад этиш хусусида қонуний хулосага келган.

Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажратилади. Бундай ҳолатда суд иш юри-

тишни тугатиб, тарафларга ФХДЁ органига мурожаат қилиш ҳуқуқларини тунтириши лозим.

Даъвогар — Ж. Э. жавобгар — Г. Э.га нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида тарафлар ўрталарида вояга етмаган фарзандлари йўқлиги ва эр-хотин никоҳдан ажралишга рози эканликлари аниқланганлиги сабабли, суднинг ажрими билан фуқаролик ишини судда юритиш тугатилди ва тарафларга никоҳдан ажратиш масаласида ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиш ҳуқуқлари тунтирилди.

Оила кодексининг 39-моддасига биноан эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли эмас. Боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки 1 ёшгача яшамай, вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади. Хотин судда иш кўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишга розилик бериб, ишни кўришда унга қаршилик билдирса ҳам иш юритишни тугатиш лозим бўлади. Бирок, кўрсатилган ҳолатлар хотиннинг ўзи никоҳдан ажратиш масаласини қўйишига тўсқинлик қилмайди.

Даъвогар — У. Р. жавобгар — З. Р.га нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида З.Р. 2016 йилнинг июль ойида даъвогар билан қонуний никоҳ асосида турмуш қурганлигини, қайнонаси сабабли турмушларида муаммолар юзага келганини, даъвогар уни ҳомиладорлик вақтида 2017 йилнинг март ойида уриб ҳайдаганлигини, у билан бирга 5 ойдан бери яшамаётганлигини, ҳозирда даъвогардан 8 ойлик ҳомиласи борлигини, никоҳдан ажралишга норозилигини кўрсатиб, судга ҳомиладорлиги 32-36 ҳафтани ташкил этиши ҳақидаги тиббий маълумотномани тақдим қилганлиги сабабли, суднинг ажрими билан иш юритиш тугатилди.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг асосий мақсадимиз оилаларни мустаҳкамлашга, уларда соғлом муҳитни вужудга келтиришга, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини кўриқлашга, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини химоялашга қаратилгандир.

А. САФАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Наманган вилоят суди раиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар қандай жамиятнинг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири коррупция ҳисобланади. Коррупция турли ижтимоий тизимга эга давлатларнинг бошқарув органларига кириб боради. Айрим давлатларда унга қарши курашиш бўйича сиёсий хоҳиш-ирода аниқ кўриниб турса, айрим давлатларда мазкур жараён жуда ҳам суистега кечаётгани кузатилади.

Давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишидан қатъи назар, коррупция давлат хизмати жабҳаларининг ҳар қандай шакли ва кўринишига кириб бориб, ҳаётнинг ижтимоий соҳаларида ўз аксини топмоқда. Мазкур жараён ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

Хўш, жамиятнинг ушбу салбий унсурига қарши курашишда Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциямизда қандай нормалар мустаҳкамланган? Коррупцияни енгиш, уни жамият учун хавфсиз даражага тушириш учун Конституцияда кўрсатиб ўтилган қандай ҳуқуқий ва ташкилий механизмлардан фойдаланилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг олий юридик кучга эга қонуни сифатида коррупцияга қарши курашиш бўйича устувор қоидаларни ўзида мужассам этади.

Тўғри, Конституцияда «коррупция» деган жумла йўқ. Лекин, унинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Қонун нуқтаи назаридан, айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш давлат бошқаруви тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи асослардан биридир.

Асосий Қонунимизнинг 14 ва 44-моддаларида давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя механизмлари ўз ифодасини топган.

Коррупция ва порахўрлик жиноятларининг ташаббускорлари нафақат мансабдор шахслар, балки оддий фуқаролар ҳам бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Конституциямизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга сўзсиз амал қилишига доир нормалар ҳам белгилаб қўйилган.

Конституциядаги фуқароларнинг сўз ва эътикод эркинлиги, судда ҳимояланиш ҳуқуқлари, айбсизлик презумпциясини ўзида мужассам этган моддаларни ҳам коррупциянинг олдини олиш қафолати сифатида эътироф этиш мумкин.

Конституциянинг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги кўрсатилган ва мазкур норма давлат ҳокимияти

органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

Давлат ҳокимияти органларининг ўзаро тийиб туриш ва назорат механизми коррупциянинг олдини олиш бўйича энг муҳим ва фундаментал асослардан биридир.

Конституциянинг 11-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Мазкур норманинг моҳияти шундаки, сиёсий ҳокимиятнинг уч функцияси, яъни қонун чиқариш, ижро этиш ва одил судлов бир-бирдан мустақил органлар томонидан амалга оширилиши керак. Давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятнинг уч тармоғи ҳам ўзаро мустақил фаолият кўрсатиши, шу билан бир қаторда, бир-бирини назорат қилиб бориши лозим.

Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг янада самарали тизими қарор топишида 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этди. Концепция асосида давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (78, 80, 93, 96, 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлашнинг янги тартиби, шунингдек Бош вазирнинг Олий Мажлис палаталари олдида, айниқса, Қонунчилик палатаси олдидаги сиёсий жавобгарлигини кучайтириш, вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини Бош вазир тақдимида биноан Президент томонидан қонунга мувофиқ тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, Президент ўз вазифаларини бажара олмай-диган вазият юзага келган тақдирда унинг вазифа ва ваколатларини вақтинча Олий Мажлис Сенати Раисининг зиммасига юклаш каби механизмлар белгиланди.

2014 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, мазкур Қонун билан жамоатчилик ва парламент назорати институтларини жорий этиш учун конституциявий асос яратилди, ижро этувчи ҳокимиятнинг вакиллик органлари олдидаги масъулияти янада оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимида асосланган демократик механизми қарор топди.

Бинобарин, коррупцияга қарши самарали курашишда Конституциямиз ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажариб келмоқда.

А. АТАЖАНОВ,
Тошкент вилоят маъмурий
судининг судья катта ёрдамчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИДА ЭКСПЕРТИЗА

ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг суд-экспертиза фанининг ривожланиши янги босқичга кўтарилди. Бу босқич ўзининг бир неча хусусиятлари: экспертизанинг кўп тармоқли йўналишларини комплекс ривожлантириш зарурияти, аввал ўтказилмаган экспертизаларни ташкил этиш ва уларнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон қонунларида суд экспертизасининг ўрнини белгилаш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш билан ажралиб туради. Мазкур босқичда экспертиза хизматини энг замонавий махсус техника билан жиҳозлашга жиддий аҳамият берилди, суд экспертизасининг имкониятлари кенгайди.

Тергов ва суд ишларини юритишда иш учун аҳамиятли маълумотлар илм-фан, ҳунар ёки санъат соҳасида мукаммал билимга эга шахс — эксперт томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар орқали аниқланади. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунга қадар биронта норматив ҳужжатда экспертнинг мавқеи, процессуал мақоми, унга қўйилган талаблар тўла-тўқис белгилаб берилмаган эди. Шу боис, Қонунда «давлат суд эксперти» тушунчаси, суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар кўрсатиб ўтилган.

Экспертиза суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримида асосан тайинланадиган, жиноят иши учун муҳим бўлган фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида эксперт томонидан процессуал қонунда назарда тутилган тартибда ўтказиладиган тадқиқот бўлиб, суд ишларини юритишда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар асосида текширишлар ўтказишдан ва ҳулоса беришдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган ҳулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан четга чиқиши мумкин эмас. Экспертнинг махсус билими унинг фан, техника, санъат ва касб-ҳунар соҳаларида узоқ вақт касб даражасида машғул бўлиши натижасида ҳосил бўлган билим ва кўникмалар йиғиндисиدير.

Қонунчиликда экспертиза ўтказувчи шахс сифатида экспертга аниқ талаблар қўйилади. Хусусан, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида

«суд эксперти» тушунчаси баён этилган ва эксперт бўлиш ҳуқуқига эга шахслар доираси белгиланган.

Юридик луғатларда қайд этилишича, экспертиза (лот. *gasponsa, gasponsio* - жавоб; *expert examination. expertise*: фр. *expertise*) мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганишдир (тиббий, санъат, бухгалтерия, экологик экспертизалар ва бошқалар).

Жиноят ишлари бўйича экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 173-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, башарти иш бўйича:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эса сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва ҳулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

ЖПКнинг 174-моддасида эксперт этиб тайинладиган шахслар, яъни эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, суд-кимёвий, суд-криминалистик, суд-биологик, суд-гистологик, суд-молекуляр генетик, хатшунослик, суд-йўл-транспорт экспертизаси, суд-ер экспертизаси, табиий минераллар экспертизаси каби экспертиза турлари белгиланган.

Экспертиза жиноят ишини кўришда исбот қилиш тизимида етакчи ўринни эгаллаганлиги сабабли, суд экспертизасини ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими асос бўлади ва экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажрими асослангандир бўлиши, экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар ёритилиши, хусусан, ишнинг қайси ҳолати текширилиши, текширишда маълум бир соҳа вакили жалб қилиниши аниқ кўрсатилиши лозим. Экспертиза тайинланганда суд томонидан экспертга қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

— тегишли экспертизани тайинлаш ҳақида ажрим;

— эксперт текшируви объекти бўлган предметлар ва ҳужжатлар, зарур ҳолларда эса таққослаш текширувини ўтказиш учун намуналар ҳамда ўзида экспертиза предмети тааллуқли маълумотларни мужассамлаштирган бошқа ҳужжатлар (кўздан кечириш, сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатлар баённомалари, маълумотномалар, кўчирмалар, фотосуратлар ва бошқалар).

Амалиётда ҳулосадаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун қўшимча ва қайта суд экспертизаси ўтказилади. Шу боис, экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажримида иш тўғрисида маълумотлар, экспертиза тайинлаш асослари, эксперт олдига қўйилган саволлар, тақдим этилган объектлар ва материаллар, зарур ҳолларда эса эксперт текшируви объекти билан муомала қилишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши керак.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиб бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки ҳулоса бериш учун етарли билимга эга эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, ҳулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида, асослангандир ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

Бу эса, иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларга тўғри баҳо беришни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш керакки, суд экспертизасининг ривожлантирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эҳтиёжларига асосланаётганини инобатга олиб, назарий, услубий, ҳуқуқий ва таълим бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, амалий тадқиқотларни кенгайтириш учун идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашининг ролини ошириш ва вилоятларда уларнинг вакилларини кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

А. МИРЗАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят суди судьяси

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) барча жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг мажбурийлигини белгилайди.

Дастлабки тергов органи эса терговчи ҳисобланади. Айнан терговчи жиноят ишини тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш учун жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатилган барча чораларни кўришга, процессуал ва тергов ҳаракатларини мустақил амалга оширишга, тўпланган далиллардан келиб чиқиб хулосалар чиқаришга ваколатлидир.

ЖИНОЯТ ИШИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ ҲАМДА БАҲОЛАШ

Суд муҳокамасининг асосий қисми ҳисобланган суд терговда тўпланган барча далиллар текширилади ва чиқариладиган ҳукм учун замин яратилади. Суд тергови янги процессуал шароитда далилларни мустақил ва ижодий равишда текшириш босқичидир. Бу босқичда ҳар бир далил суд томонидан ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқилиши керак.

Далилларни бевосита текширишга киришишдан аввал суд уларни қандай тартибда ва кетма-кетликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олиши лозим. Судланувчилардан ўз айбларига иқдорликлари ёки иқдор эмасликлари сўраб аниқлангандан сўнг, суд далилларни текшириш навбати ҳақида суд процесси иштирокчиларининг таклифларини эшитади. Одатда, дастлаб давлат айбловчисининг таклифи эшитилади.

Прокурор суд терговини бошлаш навбати, судда экспертлар хулосалари, ашёвий ва ёзма далилларни текшириш кетма-кетлигига нисбатан ўз муносибатини билдиради. Айниқса, мураккаб, кўп (эпизодли) воқеали ҳамда бир неча судланувчилар қатнашаётган жиноят ишлари бўйича суд терговини юритиш тартибининг белгилаб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу тартиб жиноят ишининг суд томонидан ҳар томонлама, холисона ва тўла кўриб чиқилишига ёрдам беради, ҳар бир воқеа бўйича далилларни гуруҳлаб олиш ва уларнинг процесс иштирок-

чилари томонидан тегишли тартибда баҳоланишига асос бўлади. Далилларнинг тартиб билан, тизим асосида кўриб чиқилиши суд тергови юритилишида муҳим аҳамиятга эга.

Тарафларнинг таклифлари асосида далилларни текшириш навбати ҳақида суд ажрим чиқаради. Далилларни текшириш судланувчилардан бошланган бўлса, суд судланувчилардан кейин, албатта, жабрланувчиларни сўроқ қилиши лозим.

Суд ҳар бир жиноят иши бўйича далилларни текшириш навбатини ишнинг моҳиятига қараб, турлича белгилаши мумкин. Қонун томонидан далилларни текширишнинг қатъий навбати белгиланмаган ва бу масала ҳар қандай ҳолатда суд мажлисида раислик қилувчининг ихтиёрига боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Ҳатто дастлабки суд терговида далилларни текшириш навбати ўзгача белгиланган бўлса ҳам, ишни кўриш мобайнида раислик қилувчи томонидан ашъвий далилларни ва бошқа далилларни текшириш кетма-кетлиги процесс иштирокчиларининг илтимосларига ёхуд раислик қилувчининг ўз ихтиёрига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу масала суд томонидан ҳал қилинганда, бу ҳақда ажрим чиқарилади. Судланувчи жиноят иши бўйича ўз кўргазмасини ҳар бир воқеа (эпизод) бўйича алоҳида-алоҳида бериш ёки иш бўйича ўзига маълум бўлган барча ҳолатларни тўлалигича баён қилишга ҳақли.

Суд терговида сўроқ қилиш ЖПКнинг 96 – 108, 442-моддаларида назарда тутилган талаблар асосида амалга оширилиши керак. Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. 16 ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, зарурат бўлмаса, суд залидан чиқариб юборилиши лозим. Жабрланувчи, эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини сўроқ қилишни судья бошлаб беради, у ишнинг маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериш таклифини киритади. Шундан сўнг судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, химоячи, жамоат химоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Шундан кейингина судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг химоячилари саволлар бериши мумкин.

Судьянинг таклифига кўра, судланувчи воқеа ҳолатларини эркин сўзлаб беради. Судья судланувчининг сўзлаб берган кўргазмаси асосида айнан воқеа ҳолатлари шундай содир бўлган деб ҳисобламасдан, уни воқеа тафсилотла-

ри ҳақидаги тахминларнинг бири деб ҳисоблаши керак. Суд жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиб ва бошқа далилларни батафсил текшириб, далилларни бир-бирига таққослаши, айблов хулосасида баён қилинган ҳар бир ҳолатни текшириб чиққанидан сўнггина ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, ўзининг ички ишончига асосан далилларга қонуний баҳо бериши мумкин.

Суд терговининг процессуал мақсади судда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган дастлабки тергов материалларининг ўзинигина ўрганиб чиқиш эмас, балки тўпланган ва тақдим қилинган барча далилларни текшириб чиқиб, реал ҳақиқатни аниқлаш имкониятини яратишдан иборатдир.

Суд тергови мобайнида қуйидагилар аниқланади: жиноят ходисаси; айбланувчининг жиноят содир қилишдаги айби; айбдорлик даражаси ва характериға таъсир қилувчи ҳолатлар; жиноят туфайли етказилган зарарнинг характери ва миқдори. Суд ҳукмининг сифати, қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлилиги кўпинча суд терговининг тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилганлигига боғлиқ бўлади. Чунки, суд ҳукми суд тергови мобайнида аниқланган далилларгагина асосланади.

Суд бевосита ва шахсан барча далилларни суд муҳокамасида текшириб чиқиши шарт. Суд тергови мобайнида суд жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар билан бирга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва холисларни қайтадан сўроқ қилиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши, тегишли экспертиза тайинлаши, суд тергови экспериментини ўтказиши мумкин. Дастлабки тергов мобайнида тўпланган барча далилларни суд терговиде тўпланган далилларга таққослаб, солиштириб кўриб, реал ҳақиқат аниқлаб олиниши керак.

ЖПКнинг 441-моддасига асосан гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида уни огоҳлантиради.

Суд тергови мобайнида ёзма далилларни, экспертлар хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби ўқиб эшиттиради. Тарафлар ушбу ҳужжатларга нисбатан ўзларининг фикрларини баён қиладилар. Шундан сўнггина суд ҳужжатларни ишга кўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд терговининг тамом бўлганлигини раислик этувчи эълон қилади.

З. ХУДАЙБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Пахтакор туман суди раиси

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

Хавфсизлик ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорликка раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамятида жиддий ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш нияти икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, одам савдосидан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда.

Тўрткўл туман суди томонидан жиноят иши кўрилатган аёлларнинг бири – судланувчи К. Аманова (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) эндигина 22 баҳорни қаршилаган, яна бири И. Садирова эса 41 ёшда. Яъни, у оқ-қорани, яхши-ёмонни ажратиб, ёшларга насиҳат қилиши лозим. Аммо, у ўз қилмиши билан аллақачон аёл деган гўзал номга доғ туширган. Илгари судланиб, 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинса-да, ҳамон ўз ахлоқини тузатишга киришмаган бу аёл К. Аманова билан жинойи тил бириктириб, ўзларининг таниши Шириннинг 2016 йил 11 январда туғилган қизини 1 миллион 200 минг сўм эвазига сотиб юборишган. Бундан ташқари, И. Садирова ва К. Аманова муттасил равишда қўшмачилик билан шуғулланиб келишган. Улар нафақат одам савдоси, балки қўшмачилик, фирибгарлик, одамларнинг мол-мулкни талон-торож қилишда ҳам устаси фаранг бўлишган. Яъни, чақалоқни сотиб юборган одамларни алдаб, «болани сизларнинг номингизга ўтказиб берамиз, боланинг опаси Тошкентдан келаяпти, унга 100 000 сўм пул керак» деб, пулларни олиб, жуфтакни ростлаб қолишган. Ижарама-ижара, бошқа исмлар билан яшаб келган бу шахслар қилган ишлари учун ҳатто пушаймон ҳам бўлишмайди. Чақалоқни тукқан онаси бўлган Ширин эса, «болани боқа олмайман, агар яхши оила бўлса, уни бериб юборардим», деб бемалол ҳамтовоқларининг норасида гўдақни сотиб юборишларига йўл қўйган. Судланувчи К. Аманова ва И. Садирова ўз жиноятларини давом эттириб, 2016 йил февраль ойи ўрталарида вояга етмаган Вазира исмли кизни бегона эркакларга қўшиб, қўшмачилик қилишган.

Қилмиш – қидирмиш, дейдилар. Судланувчи К. Аманова 4 йилу 4 ой, И. Садирова 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бу жуда ҳақли жазо. Зотан, инсон қадр-қиммати, ор-номусига тажовуз қилиш оқибати шундай тугаши муқаррардир.

Т. ТУРДИМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тўрткўл туман суди раиси

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсати қатъий давом эттирилмоқда. Аини пайтда, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдиди пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи устувор ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Банк, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари билан бир қаторда, суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳеч шубҳасиз, соҳани фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Зеро, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг самарадорлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашда, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этишда ижобий таъсирга эга ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш ўринлики, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ҳуқуқий базасини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш давр талабидир. Зеро, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда қонунчиликни тизимлаштириш муаммоси қанчалик тўғри ҳал қилинганлиги муҳим ўрин тутди. «Қонунчиликнинг мумкин қадар самарали бўлиши эса, қуйидаги уч жиҳатнинг муштараклигини, яъни: қонунчиликнинг тизимлилигини (ягона тизим ташкил этишини); ички зиддиятларсиз мутаносиб бўлишини; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ортиқча такрорланишларнинг олдини олишни»¹ талаб этади. Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича,

қонунчиликнинг ички тизимлигини таъминлашда кодекслаштириш муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги нормаларни ифодаловчи, жамловчи қонундир. Кодекс унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий узвий боғлиқлиги ҳамда мутаносиблиги, ҳуқуқ тармоғига ва қонунчилик соҳасига монанд тизимли жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан устун туради. Кодекс яратиш жараёнида ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғидаги барча ҳужжатлар ва қоидалар «тафтишдан» ўтказилади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади². Кодекс нафақат тегишли конституциявий принципларнинг ҳаётга жорий этилишига йўл очаяди, балки соҳага оид ҳуқуқий сиёсатни, қонунчиликни ривожлантириш йўналишларини ҳам белгилаб беради³.

Ў.Ҳ.Муҳамедов айтганидек, кодекслаштириш демократик ҳуқуқий давлат учун катта аҳамият касб этади. Чунки, кодекслаштирилган ҳужжат фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ишлашни осонлаштирибгина қолмай, балки бу жараёнда эскирган ҳамда талабга жавоб бермайдиган нормаларга чек қўяди, бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар тизимини жамлаган кодекслаштирилган ҳужжат юзага келади, охир-оқибатда ҳуқуқий тартибга солишнинг софлиги таъминланади. У ёки бу ҳуқуқ тармоғини тартибга солувчи нормаларни тизимли, яхлит ҳолда билишга имконият туғилади⁴.

Зеро, қонунларнинг кўплиги, уларнинг тор доирадаги масалаларни тартибга солишга қаратилганлиги қутилаётган самарани бермайди. Тор доирадаги масалалар бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаравериш ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади, тартибга солиш давомида ўзаро номувофиқликлар ҳамда зиддиятларнинг вужудга келиш эҳтимоли ҳам ортиб боради⁵. Шу боис, ривожланган хорижий давлатларда бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинган. Жумладан 1468 йилдаёқ Венеция денгиз суғурта кодекси қабул қилинган⁶. Бугунги кунда Францияда «Суғурта тўғрисида»ги кодекс⁷ (Code des Assurances; L322-26-1-модда), Украина⁸ ҳамда Беларусда Суғурта кодекси⁹ амал қилмоқда. Яъни, ушбу кодекслар мазкур давлатларда суғуртанинг муайян тури бўйича махсус қонунлар ўрнига, ягона кодекслаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида суғурта бозорини тартибга солмоқда ва бу амалиётда ўз самарасини бермоқда¹⁰. Шу боис, назаримизда, суғурта хизматлари кўрсатишни тартибга

солиб турувчи миллий қонун ҳужжатларини тизимлаштириш зарур.

Бунинг учун, аввало, Суғурта кодекси концепциясини тайёрлаш зарур. Суғурта қонунчилигини кодекслаштириш жараёни босқичлари умумий қонун ижодкорлиги жараёни босқичларидан келиб чиқиб белгиланиши лозим¹¹.

Назаримизда, мазкур кодексида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги мажбурий суғурта қилишга оид қонун нормалари алоҳида боблар сифатида баён этилиши лозим.

Умуман, суғурта хизматлари кўрсатишни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш давлат ва жамият ҳаётининг фаровонлигига, иқтисодий тараққиётига хизмат қилади.

Д. МАХМУДОВ,

**Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
«Махсус ҳуқуқий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси**

¹Системность законодательства как фактор повышения его качества // Государство и право.- № 8. 2002. – С. 5.

²Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: 2002 й.– 268-б.

³Российская правовая политика / Под.ред.проф. Матузова Н.И. и проф. Малько. А.В. – М.: 2003. –С. 197; Поленина С.В., Сильченко Н.В. Научные основы типологии нормативно-правовых актов. – М.:1987. – С. 94-95.

⁴Муҳамедов Ў.Ҳ. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириши. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2007 й. – 9-10-б.

⁵Муҳамедов Ў.Ҳ. Ўша манба. – 15.-б.

⁶Гомелля В. Б. Основы страхового дела — М: СОМИНТЭЖ, г.1998.

⁷«Всероссийский Союз Страховщиков» портал. / «Google» поисковое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: [DOC] Code des Assurances (France) свободный. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

⁸«Лига закон» портал. / «Google» поисковое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://search.ligazakon>. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

⁹«Стравита» портал. / «Google» поисковое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: Адрес в Интернет: <http://www.stravita.by/news/124.html>. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

¹⁰Благутин Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий. «Страховое дело», 2002, № 10, — С. 58.

¹¹Муҳамедов Ў.Ҳ. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириши. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2007 й. –24.-б.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ФУНКЦИЯСИ

Компанияларни бошқариш тизимида кузатув кенгаши алоҳида ўрин тутди. Айнан мазкур орган акциядорлар, менеджерлар, стейкхолдерларнинг турли гуруҳлари ўртасидаги манфаатлар балансини излаши ва унга риоя этилишини таъминлаши лозим. Кузатув кенгаши акциядорлик жамияти (АЖ) ривожланиши стратегияси ва тактикасини белгилаш масалаларида акциядорларнинг манфаатларини ифода этади, менежмент фаолиятини назорат қилади, уставнинг мазмуни, устав капитали миқдорининг ўзгариши, барча акциядорларнинг манфаатларига тааллуқли бўлган ҳамда компаниянинг муҳим масалалари бўйича мустақил қарор қабул қилади ёки уни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш учун тайёрлайди, компаниядаги корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантиришни ва белгиланган таомилларга риоя этилишини таъминлайди.

Қоидага кўра, корпоратив бошқарув шаклининг ўзига хос жиҳати (акциядорлар) мулк ҳуқуқининг (кузатув кенгаши) назорат ҳуқуқидан ажратилганлиги ҳисобланади. Стивен Бейнбридж таъкидлашича, корпоратив статус мулк ҳуқуқи назоратини самарали ажратиш имконини беради. Бундай ажратиш «де-юре» корпорацияларни бизнесни бошқа ташкилий шаклидан фарқлашнинг асосий хусусияти ҳисобланади [1, - р. 4.].

Британия корпорациялари амалиётидан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, кузатув кенгаши ваколатларининг манбаси бўлиб, компания ҳуқуқий ҳужжатларида (the articles) мустаҳкамланган компания фаолиятини назорат қилишга нисбатан ўз ҳуқуқларини тақдим этувчи акциядорлар ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат назарий (ҳатто мафкуравий) муҳимлик касб этади: яъни директорнинг обрўси ваколатларни алоҳида ва мустақил тақдим этиш билан эмас, балки акциядорлардан ўтказиш (делегирования) орқали олинади [7].

Дженсен ва Меклингнинг «принципал назарияси»ни қуйидагича тушунтиради: яъни бу шартнома бўлиб, унга кўра бир ёки бир нечта шахс (акциядорлар) ўзларининг номидан айрим хизматларни бажариш учун бошқа шахс (директор)ларни жалб этади ва бу шартнома ўзида принципал қарор қабул

қилиши учун айрим ҳуқуқларни ўтказишни ифодалайди[6].

Кузатув кенгаши фаолиятининг эътиборли жиҳати амалиётда ушбу институтнинг бир ёки икки поғонали кўриниши амал қилиши ҳисобланади. Бир поғонали кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар, менежерлар эса кузатув кенгаши томонидан сайланади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, айрим мамлакатлар корпоратив тузилмасида икки поғонали директорлар кенгаши амал қилади ва бунда корпорацияни бошқарадиган иккита мустақил директорлар кенгаши мавжуд бўлади. Бунда «бошқарув кенгаши» ва «кузатув кенгаши» бир-биридан фарқли равишда ўз функциялари ва фаолият йўналишларига эга бўлади[5].

«Бошқарув кенгаши» асосан (одатда, кундалик) тезкор масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади. Контрактларни тузиш ва стратегик режалаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш кузатув кенгаши томонидан ҳал этилиши мумкин[4].

Айни пайтда икки поғонали тизимдан фойдаланиш «мониторингнинг кучайиб кетишига» ва «ишлаб чиқариш тажовузкорлигининг нисбатан пасайишига» олиб келиши мумкин[2].

Ҳозирда турли мамлакатларнинг ишбилармон доиралари ва олимлари уларнинг бошқарув тизими нисбатан яхшилигини ошкор этишга шошилишмаяпти, чунки ушбу тизимларнинг бири иккинчисига қараганда яхшироқлигига нисбатан қатъий назариялар ҳамда исботлар мавжуд эмас[3].

Бир поғонали тизим Бирлашган Қироллик ишбилармонлик доираларида самарали қўлланилиши мумкин, чунки бу ҳолатда ижрочи ва ноижрочи директорлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни фойдали ҳисобланади[7].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, кузатув кенгаши сайланадиган орган ҳисобланади ва унинг аъзолари жамият умумий йиғилиши томонидан сайланади. АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби жамият уставида назарда тутилади.

Кузатув кенгаши коллегиял орган сифатида жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бунинг учун эса, кузатув кенгаши муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лозим. Амалдаги қонунчиликда кузатув кенгашига кенг доирадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бириктирилган.

Қонунчилигимиз кузатув кенгашининг икки асосий функцияси: бошқарув ва назоратни кўзда тутати. Ушбу функцияларнинг битта орган доирасида уйғунлашувининг нечоғли мақбуллиги масаласи мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Кузатув кенгашининг асосий функцияси сифатида компания стратегиясини белгилаш хорижий амалиёт тавсиялари билан ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик кузатув кенгаши зиммасига менежмент иши устидан

назорат қилиш функциясини ҳам юклайди.

Умумий ҳуқуқ мамлакатларида XX асрнинг дастлабки йилларида кузатув кенгаши корпорация бошқарувининг асосий органи ҳисобланар эди. Дастлаб Буюк Британия ҳуқуқи ва доктринасида ягона бошқарув органи сифатида умумий йиғилиш эътироф этилар ва у айна пайтда корпорация сифатида талқин қилинар, кузатув кенгаши эса корпорациянинг вакиллик органи ҳисобланар эди. XX асрнинг бошларида эса, Апелляция суди кузатув кенгашини бошқарув органи сифатида белгилаш йўли билан прецедент яратади. Ушбу прецедент статус сифатида Англиянинг 1985 йилдаги «Компаниялар тўғрисида»ги Қонунининг 70-моддасида акс этган. Англиянинг компаниялар тўғрисидаги ҳуқуқи, хусусан 1985, 1989 ва 2006 йиллардаги компаниялар тўғрисидаги актлари мулкни, биринчи навбатда, кичик акциядорлар мулкни

АННОТАЦИЯ

Мақолада акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг функциялари ёритилади. Кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органи фаолиятини назорат қилиш ҳамда умумий йиғилиш фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ функцияларни ўрганар экан, муаллиф хорижий олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, кузатув кенгаши функцияларини такомиллаштириш борасидаги фикрларни илгари суради.

Калит сўзлар: Компания, акциядорлик жамияти, кузатув кенгаши, акциядорлар, устав капитали, директор, назорат функцияси, умумий йиғилиш, бошқарув кенгаши.

* * *

В статье разъясняются функции наблюдательного совета акционерных обществ. Исследовав функции в области надзора деятельности исполнительного органа общества, а также в области организации деятельности общего собрания, изучив практику зарубежных стран автор выдвинул идеи по совершенствованию функций наблюдательного совета.

Ключевые слова: Компания, акционерное общество, наблюдательный совет, акционеры, уставный капитал, директор, функция надзора, общее собрание, управленческий совет.

* * *

The functions of the supervisory body of joint-stock companies are explained in the article. Having studied the functions in the field of supervision of the functions of the executive body of the company and also in the field of organization of the general meeting, having studied the practice of foreign countries, the author gives ideas on further improvinoy of supervisory body's functions.

Keywords: Company, joint-stock company, supervisory board, shareholders, share capital, director, oversight function, general meeting, management council.

бошқарувдан ажратишнинг умумий жараёнини тезлаштирдик, амалда улар компания бошқарувидан четлатилди ва капитал инвесторларига айланди.

1985 йилдаги «Компаниялар тўғрисида»ги Актга мувофиқ директор компанияга тегишли ваколатларни бажариш учун компания бошқарувини амалга оширади. Директорларнинг ваколоти ҳатто акциядорларнинг умумий йиғилишида уларнинг ваколатини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ҳам чекланмайди. Директорлар ўзлари зарур деб ҳисоблаган мақсадларни бажариш учун компания агентларини ишончнома асосида тайинлашлари ва бунда ўзларига тегишли ваколатларнинг бир қисмини ёки барчасини агентга ўтказишлари мумкин.

Делавэр штатининг «Корпорациялар тўғрисида»ги умумий Қонунига мувофиқ кузатув кенгаши (директорлар бошқаруви) асосий бошқарув органи бўлиб, унинг раҳбарлиги остида корпорациянинг хўжалик-иқтисодий фаолияти ва ишлари амалга оширилади. Делавэр штати суд прецеденти қуйидагиларни белгилайди: Делавэр корпорация ҳуқуқининг асосий принципи шундан иборатки, корхона ишларини бошқариш мажбурияти акциядорлар ва корпорация бошқарувчисининг эмас, директорлар бошқарувининг зиммасида бўлади.

Қитъа ҳуқуқининг асосий вазифаси АЖДа ишларни юритишни назорат қилиш бўлган кузатув кенгашини ташкил этишни назарда тутати (Германия Акциядорлик Қонуни, 111-§). Германия қонунлари бевосита бошқарув ва назорат ўртасидаги аниқ чегарани белгилайди. Ижроия органи кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир. Кузатув кенгаши менежерлар томонидан таклиф этилган энг муҳим қарорлар ва улар ишининг натижаларини маъқуллаши ёки маъқулламаслиги мумкин. Бироқ, бундай кузатув кенгаши менежерлар томонидан кундалик қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Ўзбекистон корпоратив ҳуқуқининг ўзига хослиги эса, бошқарув ва назорат функцияларининг битта орган – кузатув кенгаши қўлида жамланганлиги билан тавсифланади ва бунда кузатув кенгаши жамиятга умумий раҳбарлик билан бирга, ижроия орган фаолиятини назорат қилиш имкониятига ҳам эга ҳисобланади. Бунда кузатув кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ўз фаолиятини юритади. Одатда, кузатув кенгаши ваколатлари доираси қонун ва жамият уставида назарда тутилади.

Юридик адабиётларда кузатув кенгаши ваколатларини туркумлаш, уларни шакллантиришга оид қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, К.П.Павлованинг фикрича, кузатув кенгаши ваколатлари шаклланишини қуйидаги ҳуқуқий усулларга ажратиш мумкин: биринчидан, қонун

чиқарувчи кузатув кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар рўйхатини белгилайди ва устав орқали уларни кенгайтириш имконини беради (классик усул); иккинчидан, қонунчиликда акциядорлар умумий йиғилиши ваколатларидан кузатув кенгаши ваколатларига берилиши мумкин бўлган масалалар доираси назарда тутилади. Бу турдаги масалалар гуруҳи акциядорлар умумий йиғилиши фаолияти соҳасидан фақат уставда улар кузатув кенгашига берилганлиги тўғридан-тўғри қайд этилган бўлсагина чиқарилиши мумкин (қарорлар қабул қилишнинг тезкорлигини ошириш усули); учинчидан, муайян вазиятларда қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган, бироқ дастлаб кузатув кенгаши ваколатига берилган бир қатор масалалар мавжуд [9, - с. 10.].

Айрим адабиётларда кузатув кенгашининг ваколатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш таклиф қилинади:

- умумий бошқарув, шу жумладан, компаниянинг стратегияси ва сиёсатини белгилаш;

- акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, менежмент томонидан суиистеъмолликларнинг олдини олиш;

- жамият бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилиш [11, - с. 37.].

М.Д.Тихомировнинг фикрига кўра, акциядорлик жамияти директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ваколатлари қуйидаги асосий уч йўналишда аниқланиши мумкин: акциядорлик жамияти ишларини мустақил юритиш, жамиятнинг бошқа органлари фикрларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш, контрол-назорат функциясини амалга ошириш [10, - с. 11.].

Фикримизча, АЖ кузатув кенгаши жамият умумий бошқарувини амалга оширувчи орган бўлганлиги сабабли ҳам кузатув кенгаши ваколатлари доирасини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- умумий раҳбарликка доир ваколатлар;

- жамиятни бевосита бошқаришга доир ваколатлар;

- акциядорлар ва жамият бошқаруви ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этишга оид ваколатлар;

- мутлақ ваколатлар ва истисно ваколатлар;

- ижроия органлари фаолиятини назорат қилишга оид ваколатлар.

Кузатув кенгашининг ваколатлари доираси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 75-моддасида умумий тарзда санаб ўтилган. Бунда кузатув кенгаши ваколатларининг қай бири асосий ёки жузъий тусга эгаллиги борасида аниқ қоида шакллантирилмаган. Масалан, айнан қайси ваколатлар кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига кириши ҳамда қайси ваколатлар умумий

Йиғилиш томонидан кузатув кенгашига берилиши ушбу моддада аниқ ажратиб кўрсатилмаган. Жумладан, ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида «Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради», деб белгиланган бўлса, унинг иккинчи қисмининг биринчи хатбошисида акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра тегишли ваколатлар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкинлиги назарда тутилган. Фикримизча, ушбу нормаларнинг бундай тарзда белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас ва шу боис, Қонуннинг 75-моддасида кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар ва умумий йиғилиш томонидан бириктириладиган ваколатларнинг қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

М. КАМАЛОВ,
юридик фанлар номзоди

1. Bainbridge S.M. *The New Corporate Governance in Theory and Practice* (Oxford University Press, 2009), p.4.
2. Carrasco, Vinicius. «Corporate Board Structure, Managerial Self-Dealing, and Common Agency» (PDF). Retrieved 26 October 2014.
3. Carsten Jungmann, *The Effectiveness of Corporate Governance in One-Tier and Two-Tier Board Systems*, 3 *European Company and Financial Law Review* (ECFR) 426 (2006).
4. Government Commission. «German corporate governance code» (PDF). Retrieved 26 November 2014.
5. James. «What is a dual board system». *The Law Dictionary*. Retrieved 26 October 2014.
6. Jensen M. and Meckling W., «Theory of the Firm: Managerial Behavior, Agency Costs and Ownership Structure» (1976) 3 *Journal of Financial Economics* 305, 308.
7. Paul Davies, *Board Structure in the UK and Germany: Convergence or Continuing Divergence?* 2 *International and Comparative Corporate Law Journal* 435, at 448 et s., 455 (2000).
8. Paul L. Davies, *Gower and Davies' Principles of Modern Company Law*, 8th edn (2008), p.366. See also R.R. Pennington, *Pennington's Company Law*, 8th edn (2001), p.696 and B.R. Cheffins, *Corporate Ownership and Control: British Business Transformed* (2008), p.30.
9. Павлова К.П. Актуальные вопросы правового регулирования организации и деятельности совета директоров (наблюдательного совета) акционерного общества по российскому законодательству: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2013. – С. 10.
10. Тихомиров М.Д. Правовое положение органов управления акционерного общества: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург: 2005. – С. 11.
11. Эффективный совет директоров: пособие для собственников и должностных лиц акционерных обществ. – Душанбе: 2012. – С. 37.

ФИРИБГАРНИНГ ЧЎНТАГИГА ЙЎЛНИ ЎЗИМИЗ ТОПИБ БОРАЯПМИЗ

Бугун давраларда «фалон танишимга ишонгандим, аслида фирибгар экан» ёки «товламачининг кўлига тушиб қолдим», деган сўзлар тез-тез қулоғимизга чалинадиган бўлиб қолган. Аслида тирикчиликнинг йўлларини излаш одам-зотга хос хусусият. Кимдир бунда тўғри йўлдан борса, кимдир ўзи учун «қора эшик» куриб олади. Бир кун келиб ўша эшикнинг қулфлари бузилгач, уни «қора ҳаёт» кутиб турганини билганида эса кеч бўлади...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди судья Зоир Камолов раислигида 1993 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, олий маълумотли, вақтинча ишсиз, уйланмаган Сарвар Баҳодировга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят ишини кўриб чиқди.

Сарвар Баҳодиров ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил март ойида рўйхатдан ўтган «GLOBAL STUDENT CONSULTING» МЧЖни ташкил этиб, ушбу жамиятнинг раҳбари сифатида фаолият юрита бошлаган. У Шавкат Мирҳайдаровга жамият раҳбари сифатида ўзини гўёки АҚШда жойлашган «CSB international» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатли ҳамкори деб таништирган. С. Баҳодиров 2017 йилги ёзги таътил пайтида Ш. Мирҳайдаровни АҚШга ёзги саёҳат ва ишлаш дастури бўйича юборишни ваъда қилиб, ундан жами 1 610 АҚШ долларини олиб, ваъдани бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

С. Баҳодиров ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, АҚШдаги «CSB international» компаниясининг «ваколатли вакили» сифатида ушбу компаниянинг қатор расмий ҳужжатларини қалбакилаштирган ҳамда имзолаш учун Ш. Мирҳайдаровга тақдим этган.

Бундан ташқари, у А. Ахмедовдан 1 100 АҚШ доллари ва 2 100 000 сўм, Ч. Омоновадан 1 450, Т. Соиповдан 1 550, Ж. Улуғовдан 1 610, Э. Ўткировдан 1 450 АҚШ доллари ва 400 000 сўм миқдорида нақд пул олган. С. Баҳодировга

пул берган талабалар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Суд тергови давомида айбланувчи айбини тушуниб етди ва етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Юқоридаги воқеа тафсилотларини ўрганиш жараёнида биз Сарварнинг тузоғига тушган жабрланувчиларнинг аксарияти Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда ИНХА университети талабалари эканига амин бўлдик.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаси Дилноза ҳам бошқа талабалар қатори Америкага саёҳат қилиб, ишлаш ниятида юрган кунлари бир дугонаси «қахрамонимиз» ҳақидаги хабарни айтиб қолади. Сингапур, Вестминстер ҳамда ИНХАда ўқийдиган талабаларнинг кўпчилиги уч ойлик таътил даврида АҚШга бориб ҳам саёҳат, ҳам тижорат қилиш ниятида юришади. Айниқса, бунда уларга «Work and travel» – «Ишлаш ва саёҳат қилиш» лойиҳаси қўл келади. Бу лойиҳада иштирок этиш фақат биринчи, иккинчи ва учинчи курс талабаларига имконият беради. Тўртинчи курсдан эса, лойиҳада иштирок этиш имкони қолмайди. Дилноза ҳам иккинчи курсда ўқиб юрган кезлари, яъни январь ойидан бошлаб ҳужжатларни топшириб, зарур маблағларни Сарварга етказиб беради. Белгиланган тартиб бўйича улар май ойининг охирларида АҚШга учиб, сентябрь ойида Ўзбекистонга қайтишлари зарур эди. Ушбу лойиҳа талаблари ҳам ўзига яраша. Яъни, талаба худди лагерь типигаги оромгоҳда ҳам хордиқ чиқариб, ҳам ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Америкага кетаётган талаба ётоқхона, иш билан таъминлангани ҳақидаги ҳужжатларни қўлга олгач самолётга чиқади. АҚШга бориш учун ҳужжатлар тайёрлашга бошқа агентликлар талабалардан 1800-2000 АҚШ доллари ҳисобида пул маблағи олишини билган Дилноза Сарварнинг агентлигида нарх-наво анчагина пастлигини эшитиб, шошиб қолади. Гаров тариқасида унга 400 АҚШ доллари беради. Сарвар Дилнозадан пулни олгач ҳамма ишлар қонуний йўл билан ҳал бўлишига, ҳужжатлар ҳақиқийлигига ишонтириш учун шартноманинг бир нусхасини беради ва Дилноза имзо қўяди. Уч ҳафтадан сўнг Америка элчихонасига кириш учун рухсатнома берилиши керак эди. Уч ой ўтса ҳамки, рухсатномадан дарак бўлмайди. Устига-устак, Сарвар Дилнозанинг кўнғироқлари ва SMSларига жавоб қайтармагач, талаба қиз Америкада ўқиётган бир танишига «GLOBAL STUDENT CONSULTING» компаниясининг телефон рақамини бериб, ушбу компания ҳақида маълумот олиб беришини илтимос қилади. Дилнозанинг Америкадаги таниши бундай рақам йўқлиги, ушбу компания сохта эканини айтгач, у адвокатга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

ИНХА университети талабаси Рашид ҳам Дилноза каби Сарварнинг

тузоғига осонгина илинади. Рашид оилада тўнғич ўғил бўлгани сабабли, ёзги таътилда Америкада ишлаб, уч-тўрт сўм маблағ билан қайтишни ният қилганди. Унинг мақсади ота-онасига оғирлиги тушмай, шартнома пулини ўзи ишлаб топиш эди. Рашид ҳам Сарварнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, ота-онаси, танишларидан 1 610 АҚШ долларини қарзга олиб, Сарварнинг кўлига тутқазади. Март ҳамда июнь ойларида Сарвар Рашиднинг телефон кўнғироқларига жон деб жавоб беради. Пулни қўлга киритгач эса, сувга тушган тошдек, жим-жит бўлиб қолади. Бир тарафдан Рашиднинг ота-онаси қачон Америкага кетасан, деб қисталанг қилишса, бошқа тарафдан қарз берганлар пулни қайтариш вақти оз қолаётганидан хавотирланиб, унга тинчлик бермай кўйишади. Фирибгарнинг кўлига тушганини билган Рашид тўппатўғри адвокат ҳузурига йўл олади.

Худди «аризалар ёмғири» каби Сарварнинг устидан шикоят хатлари келиб тушавергач, жинойи иш кўзғатилади.


— Бу ерда кўпроқ одамларимиз ишонувчанликлари сабабли панд еб қолишган, — дейди судья Зоир Камолов. — Бундан фойдаланиб қоладиган виждонсизлар кўпайиб кетди. Аслида алданишга одамларнинг ўзида ҳам мойиллик бор. Ишни осонроқ, арзонга битказиш, вақтдан ютиш учун осон йўллارни излаб топишади. Яна дангасалик ҳам катта роль ўйнайди. Айримлар узоқ давом этадиган ҳужжат ишларини тўғрилашга эринишади. Уч-тўрт сўм ортиқча пул берсам, югур-югурдан кутуламан, деб ўйлаб хато қилишади. Инсон тақдирини ҳужжатлар ҳал қиладиган вақт келганида эса, бошларини қайси деворга уришни билмай қолишади.

Баъзи бир одамлар ўз кучига ишонмай туриб бошқаларнинг ишини битказиб беришга ҳаракат қиладди. Оқибатда уларнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини совуради. Сарвар Баҳодиров ҳам талабаларни АҚШга юбориш учун ҳаракат қилиб кўрган. Уддасидан чиқолмагач эса, пулларни эгаларига қайтаришни истамаган. Талабалар хориждаги компаниялар билан ўзлари интернет орқали боғланиб, қонуний йўл билан кетиш йўллари излашса, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

Аслида бир инсон иккинчи инсонга ўз-ўзидан моддий ёки маънавий зарар етказмайди. Қарс икки қўлдан чиқиши бор гап. Фирибгару товламачиларнинг чўнтагига йўлни ўзимиз излаб бормаяпмиз-ми?

Н. РАҲМОНОВА,
журналист

ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ



Дунё мамлакатлари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда қай юртга бормайлик, ҳар лаҳзада, жаннатмакон Ватанимизни орзиқиб соғинамиз. Унинг тафтини, ҳар қарич ерини кўзимизга тўтиё қилгимиз келади. Халқимиз ва миллатдошларимиз томонидан улуғланган кадриятларни ич-ичимиздан ҳис этамиз. Шундай экан, Ватан тупроғида туриб кўп минг йиллик урф-одатларимиз ва анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда хайрли ишни бошини тутишни мақсад қилдик.

Муҳтарам Президентимиз она Ватан озодлиги учун жонларини фидо қилган, 1941—1945 йилларда Иккинчи жаҳон уруши даврида жанггоҳларда вафот этган мард ўғлонларни, урушдан қайтиб озод ва обод диёримизда шукроналар билан яшаётган нуроний кекса авлод вакиллари эътибордан четда қолдирмаяптилар. Шундай экан, Хотира ва қадрлаш куни арафасида барча соҳалар сингари суд тизимида ҳам фаолият юритиб, вафот этган инсонларни, мана шу мамлакат учун бор куч, билим ва салоҳиятини аямаган фидойи, мўътабар устозлар, ҳамкасб дўстларимизнинг ёрқин хотирасини ёдга олишни ўз бурчимиз деб билдик.

Дунёда машҳур одамлар жуда кўп ўтган. Аксарият ҳолларда бизга уларнинг исмларигина таниш, холос. Билганларимиз, билишимиз керак бўлганлари эса жуда оз. Ўзбек аёллари ичида биринчи академик, давлат ва жамоат арбоби Хадича Сулаймонова ҳақида эшитганлар, айниқса, ёшлар кўпчиликини ташкил этмайди. Опа ҳаёт бўлганларида бу йил 105 ёшни қарши олган бўлар эди. Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик соҳаси илм даргоҳларининг ҳар бир поғонасини сабот билан босиб ўтган Хадича Сулаймонова Москва юридик институтининг аспирантурасида билимини мустаҳкамлаб қайтгач, Тошкент юридик институтида фаолият кўрсатади. Унинг ҳаракатчан, ташаббускор ва жамоатчилиги туфайли зиммасига

институтнинг ректорлиги лавозими юкланади. Институт Ўрта Осиё университети-нинг юридик факультетига айлантирилганда ҳам унга раҳбарлик қилади.

Ўзбек хотин-қизлари орасида биринчилардан бўлиб, 1951 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олима профессорлик илмий унвонига эга бўлади. Кейинчалик у ўзбек олима аёллари ичида биринчи академик бўлди.

Хадича Сулаймонова узоқ йиллар ўта масъулиятли раҳбарлик – Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги Адлия комиссияси раиси, Республика Олий суди раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. Опа дунё давлатлари ичида Олий суд раиси лавозимини эгаллаган биринчи аёл сифатида тарих саҳифаларида қолди. Х.Сулаймонова Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси илмий тадқиқот марказини ташкил этишда бош-қош бўлди. Давлат ва жамоат арбоби сифатида Хитой, Нидерландия, Буюк Британия, Япония, Болгария, Чехия, Словакия, Африка мамлакатлари ва бошқа қатор хорижий давлатларда ўзбек ҳуқуқ фани ва сиёсий таълимотлар тарихи тарғиботчиси сифатида маърузалар билан қатнашади. Узоқни кўзлаган мақсадларини амалга оширишда опага фурсат етмади. Умри қисқа экан, Олий суд раиси лавозимида ишлаб юрганида бевақт оламдан ўтди.

Ўзбекистонда суд маҳкамасининг олий раҳбари сифатида хизмат қилган аёллардан яна бири Ҳалима Муҳиддиновадир. Ҳалима опа Муҳиддинова 1916 йилда Наманган вилоятида оддий деҳқон оиласида дунёга келади. Опа ёшлик чоғлариданок ишлайди, ўқийди, изланади. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги фаолиятини Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчилигидан бошлайди. Ёш, чаққон ва ғайратли ҳуқуқшунос Тошкентда малака ошириш курсида ўқиётган вақтда республика прокурорининг назарига тушади ва республика прокурорининг суд назорати бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинланади. Узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда масъул лавозимларда меҳнат қилади.

Ҳалима опа Адлия вазирининг кадрлар бўйича ўринбосари, Марказкўм котиби, бўлим мудир, Ўзбекистон Олий суди раисининг ўринбосари, Олий суд раиси лавозимларида узоқ йиллар меҳнат қилади. Орадан йиллар ўтиб, Ҳалима опа Олий суднинг янги биносини қуриш ишларида фаол қатнашади. Бу давр энг оғир паллалар эди. Республикамизда Москвадан юборилган терговчилар келган, ҳаттоки, Карокозов, Гдлян ва Ивановларнинг таъсири Олий судга ҳам ўтказилмасдан қолмаган эди. Одамлар тақдирини ҳал қилишда Олий суднинг ўрни ва аҳамиятини чуқур ҳис қилган опа олий маҳкамада раҳбар бўлган кезларида вазифани бажариш учун энг шимариб ишга киришади, қарийб 12 йил Олий суд раисининг ўринбосари, 10 йил Олий суд раиси бўлган даврларида кўплаб қатъиятли шогирдларни тарбиялайди.

Бутун умрини, куч-ғайратини ҳуқуқшунослик соҳасига бағишлаб, кўплаб шогирдлар ва ўзига хос мактаб қолдирган устозларимиздан яна бири Мамлакат Восиқовадир. Мамлакат Восиқованинг ёшлигиданоқ тиришқоқ ва ғайратли эканлигини опа тўғрисида ёзилган мақолалардан ўқиб билганмиз. Маълумотларга кўра, илм олишга ўч, тиришқоқ қиз мактабни имтиёзли тарзда тамомлайди, институтда ҳам фаол талаба сифатида танилади. Натижада мамлакатнинг етук олимаси Хадича Сулаймонованинг назарига тушади. Аспирантурага қолдирилган Мамлакат Восиқова Хадича Сулаймонованинг аспиранти эди. Уларнинг ўртасидаги устоз ва шогирдлик муносабатлари шундай мустаҳкам ўрнатилган эдики, ҳаттоки Хадича Сулаймонова докторлик диссертацияси юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган пайтда Москвадаги Ўзбекистоннинг доимий вакилликка қарашли бўлган квартирада ўз қизидек бўлиб қолган Мамлакат Восиқова билан бирга яшарди. Москвада номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Мамлакат Восиқова Юридик факультетнинг «Жиноят ҳуқуқи» кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай Адлия вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланади, кейинчалик республиканинг энг юқори суд босқичи – Ўзбекистон Олий суди таркибига сайланиб, Олий суд раиси муовини, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг юридик бўлими мудири, Республика Министрлар Совети қошидаги юридик комиссиянинг раиси бўлиб ишлайди. 1970 йилда қайта ташкил этилган Адлия вазирлигига вазир этиб тайинланди ва бу лавозимда 15 йил фаолият олиб борди.

Мамлакатимизнинг масъулиятли лавозимларида хизмат қилган Мамлакат Восиқова бир муддат бўлса-да, илмий изланишлардан чекинмади. Аксинча, амалиётда кузатилаётган камчиликларни қонунчилик йўли билан барга раф этишнинг тарғиботчиси ва ташкилотчиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ривожланиш тарихи, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик фаолиятига оид юздан зиёд илмий-оммабоп мақолалар юридик фанлари доктори, профессор М.Восиқованинг қаламига мансуб.

ЮНЕСКОнинг қарорига асосан «Жаҳонга машҳур аёллар» тўпламига Мамлакат Собировнанинг номи киритилганлиги барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди. Мамлакат Собировна бахтли аёл эди. У ҳуқуқшунос олим Икром Зокировнинг умр йўлдоши сифатида кўпчилик учун ибратли оила мактабини ҳам яратди.

Умуман олганда, Хадича Сулаймонова, Ҳалима Муҳиддинова ва Мамлакат Восиқовалар ўзбек ҳуқуқшунослигининг асосчиларидир.

Ўтганларни эслаш бу дунёда яшаётганларнинг бурчи саналади. Суд маҳкамаларида ҳалол, холис ва адолатли судья сифатида ном қозонган, шогирд-

ларига ғамхўр, меҳрибон ва ўта талабчан ҳуқуқшунос Мамажон Махсумов 1961 йилнинг сентябридан Республика Олий суди раисининг ўринбосари, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат контроли қўмитаси раисининг ўринбосари, Республика Олий суди раиси, Республика прокурори ва сўнгра умрининг сўнгги лаҳзасига қадар Тошкент вилоят судининг раиси лавозимида фаолият кўрсатган эди. Мамажон Махсумов 1918 йилда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида оддий этикдўз оиласида дунёга келади. Икки ёшида ота ва онаси вафот этади. Етимликнинг нонини еб, сағирликнинг азобини тортиб улғайган ўзбек йигити жуда кўп қийинчиликлар ва мураккаб вазиятларни бошидан ўтказади. Тенгқурларидан фарқли ўларок, 12 ёшга етиб саводини чиқаради. Зехни ўткирлиги ва тиришқоқлиги сабабли тенгдошларига етиб олади. Республика ҳарбий пиёдалар билим юртига ўқишга киради. Ўқишни битиргач кўпчиликнинг назарига тушган ҳарбий йигит рус ўлкасининг Томск шаҳридаги ўқчи дивизиясига взвод командирлигига юборилади. Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланганлиги тўғрисида хабар тарқалади ва Мамажон Махсумов биринчилардан бўлиб фронтга отланади. Урушнинг олдинги сафларида хизмат қилади. Ҳар бир қарич ернинг мудофааси учун жасорат кўрсатади, қуршовларда қолиб кетади, оқибатда яраланади. Госпиталда даволангач яна жангга кириб мардонавор курашади. 1942 йилга келиб яна уч марта оғир яраланади ва Ўзбекистонга қайтарилади.

Урушнинг оғир ва даҳшатли даврларини бошидан кечирган Мамажон Махсумов Ватанга қайтгач, ҳуқуқшунослик соҳасида самарали меҳнат қилди. Мен амалиётчи ҳуқуқшунос сифатида бу инсоннинг ҳамкасбларига, қўл остида ишлаган ходимларига ва қабулига ташриф буюрган фуқароларга нисбатан муомаласини кузатиб, ҳавас қилганман. Ундаги олижаноблик, адолат йўлида курашувчанлик, поклик ва интизом сингари қатор фазилатларни бир умр кадрлайман.

Суд-ҳуқуқ тизимида ўзига хос ўчмас из қолдирган, бу соҳанинг ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонлардан Сафар Салимовни, Ҳамдам Халиловни, Азиз Юнусовни ҳам ёдга олмоқ жоиздир. Барча сингари Азиз Юнусов билан бўлган ҳар қандай учрашув катта сабоқ ва ҳаёт мактаби саналарди. У киши ҳаётлик чоғларида ўнга яқин рисоалар битган эди.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят прокуратурасида бўлим прокурорлигидан бошлаб, 13 йил Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси бўлган Алимджанова Мария Андреевна; Тошкент шаҳар суди ва Республикаси Олий судида судья лавозимларида меҳнат қилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист унвонига эга бўлган Ҳалима Исхакова; 27 йил Олий суд судьяси бўлиб ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдыкерим Акбергенов; беш

йил Тошкент шаҳар судининг раиси, қарийб йигирма тўрт йил Олий суднинг судьяси лавозимларида хизмат қилган Каримхон Носиров; Ўзбекистонда ҳуқуқни мустаҳкамлаш учун хизмат қилган, Тошкент вилоят судида судья, 1954 йилдан то нафақага кузатилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Жуков Игорь Евгеньевич; қарийб йигирма йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Добронравов Анатолий Васильевич; суд-ҳуқуқ соҳасида узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган судья Толибжон Рихсиевни ҳам доимо ёдда сақлаймиз.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Сирожиддин Мирсафаев; 36 йил судьялик лавозимида ишлаган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Убайдулла Муҳаммедов; Ўзбекистон Республикаси Олий суди аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимларида меҳнат қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Турсинбай Қобланов; Тошлок туман судининг раиси, сўнгра Фарғона вилоят судининг судьяси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, Тошкент шаҳар ва Фарғона вилоят судининг раиси лавозимларида меҳнат қилган, «Шухрат» медали билан тақдирланган Обиджон Турғинбоев; Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Фарғона шаҳар судининг, Кува туман судининг раиси лавозимларида меҳнат қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Илҳомжон Васиев; етти йил Чирокчи туман судининг судьяси, ўн бир йил Олий суд судьяси, сўнгра беш йил Қашқадарё вилоят судининг раиси лавозимларида самарали меҳнат қилган Хўжаназар Жайсунов; кўп йиллар прокуратура тизимида ишлаган, сўнгра Шайхонтохур туман судининг судьяси, Юнусобод туман судининг раиси, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, Қибрай туман судининг раиси вазифаларида ишлаган Рустам Акбаровларнинг порлоқ хотираси ҳам ҳамиша қалбимиздадир.

Юкорида келтирилган номларни тилга олганимизда кўз ўнгимизда юзларидан нур ёғилиб турадиган мўътабар инсонлар сиймоси гавдаланади. Улар бутун умри давомида ҳалоллик ва покликни, адолатни шиор қилиб яшади. Уларнинг хотираси қалбларимизда мангу яшайверади.

У. МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон суд тизими фахрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш
жамоатчилиқ Маркази раиси

450 000 ЛОЛА

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирасига

Ўтар давру давронлар,
Ўтгай алам, ғам, нола.
Ёт элларда сочилган
Тўрт юз эллик минг лола.

Тўрт юз эллик минг лола –
Ўзбекнинг болалари.
Бўстонидан айрилган
Ғунчаси, лолалари.

Кўз олдинга келтирсанг
Бўйларию кўз-қошин.
Тўрт юз эллик минг лола –
Кўкрагида кўрғошин.

Ҳар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ёт элларда ётибди
Тўрт юз эллик минг болам.

Ўз кўчамдан хайрлашиб
Кетган чангу ғуборим.

Менинг тўрт юз эллик минг
Хазон бўлган баҳорим.

Майса қоплар қирларни,
Еру осмон нурланар.
Сиз – кетган турналарсиз,
Сиз – қайтмаган турналар.

Хотира майдонида
Тошга айланган тонг бор.
Тўрт юз эллик минг ном бор,
Тўрт юз эллик минг бонг бор.

Ўтар давру давронлар,
Эскирмагай хотира.
Осмондай зангордир у,
Лола янлиғ бокира.

Ер юзининг гуллари
Элларнинг ноласидир.
Тўрт юз эллик минг лола –
Ўзбекнинг боласидир.

ФАХРИЙЛАР

Тортган заҳматингиз юқдир
дилларда,

Кўрган умрингиздан ҳеч
тонмадингиз.

Ёшлигингиз кечди олов
йилларда,

Танклар ёниб кетди,
Сиз ёнмадингиз.

Бугун чой ўрнига хотира
дамлаб,

Яшарсиз гоҳ шодон,
Ғамгинсиз гоҳо,
Саксон ёшли ўсмир Матёқуб

домла,
Саксон яшар бола Назармат
бобо.

Сирожиддин САЙИД

ОНАНГНИНГ ҲОЛИНИ СЎРАБ ҚҶЙ, ДЎСТИМ

Бу дунё ташвиши тугамайди ҳеч,
Ҳеч қачон тўлмайди дунё кам-кўсти.
Фарзандлик бурчингни бир эсга олиб,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Қара, йиллар ёшин олиб кетмоқда,
Ҳар бир кун шамолдай елиб ўтмоқда,
Муштипар волиданг сени кутмоқда,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Изингга кўзларин қадаб тургувчи,
Тунлари ухламай йўлинг кутгувчи,
Сени ҳаммадан ҳам яхши кўргувчи,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Сония, дақиқа ўтиб кетмасдан,
Армонлар бағрингни тешиб ўтмасдан,
Бир куни қаро ер ютиб кетмасдан,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Қон йиғлаб, қон бўзлаб қолмасин дейман,
Дилида армони бўлмасин дейман,
Ҳеч қачон изтироб билмасин дейман,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Оналар яралган улкан сабрдан,
Бир куни кетмасин, алам, жабрдан,
Соғинган пайтингда келмас қабрдан,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Ҳаёт бешафқатдир, ҳаёт бешафқат,
Онангнинг қадридан азизми шавқат?
Бойлик топилади, топилар давлат,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Ўйлама, барига улгураман деб,
Онам билан ҳали ўлтираман деб,
Бир куни қолмагин надоматлар еб,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Йилларни бир зумга тўхтатолмайсан,
Онангга ҳеч кимни ўхшатолмайсан,
Кўнгил боғингни ҳеч яшнатолмайсан,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Онаси йўқларга бир бора қара,
Дилида соғинчдан битилган яра,
Улардан онанинг қадрини сўра,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Қўй ўша ўткинчи ҳою ҳавасни,
Меҳр ҳавосидан олгин нафасни,
Бузиб тошбағирлик деган қафасни,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Онангдан аяма ҳеч ҳимматингни,
Онангга бағишла бор ҳурматингни,
У дунё бу дунё ғаниматингни,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Битта дуосидан яшнаб кетасан,
Онанг ҳаёт бўлса бахтга етасан,
Бир куни гапларим эслаб ўтасан,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Ҳаммамиз дунёда оддий бир меҳмон,
Бир куни кетамиз боқийлик томон,
Кўзёшларин тўкиб сўрайди Достон,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Эҳ дўстим гапирсам, дилимда гап кўп,
Дунёда онадан азиз инсон йўқ,
Ажин тирналаган юзларидан ўп,
Онангнинг ҳолини сўраб қўй, дўстим.

Фарҳод УМУРЗОҚ

Агар давлат ҳокимияти органининг қарорида ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда юридик ва жисмоний шахс учун қайси ҳуқуқлар тан олинади ҳамда рўйхатдан ўтказилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 24-бандига биноан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг тури давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қабул қилинади.

Агар давлат ҳокимияти органининг қарорида ҳуқуқ тури кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда юридик ва жисмоний шахс учун қуйидаги ҳуқуқлар тан олинади ҳамда рўйхатдан ўтказилиши лозим:

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи (агар ҳатто давлат ҳокимияти органларининг қарорларида бошқа ҳуқуқ тури кўрсатилган бўлса ҳам);

бинолар ва иншоотлар қуриш учун берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи.

* * *

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш жараёнида давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан қандай ишлар амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 26-бандига мувофиқ ер участкасининг умумий майдони ва чегаралари, унга бўлган илгари рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ тури ўзгарган тақдирда, юридик ва жисмоний шахслар бир ой муддатда давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш ҳақида ариза беришлари шарт. Аризага ер участкасининг умумий майдони, чегаралари ва ҳуқуқ тури ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

аризага илова қилинган ҳужжатлар текширилади;

мавжуд план-картографик материаллардан фойдаланиб, ер участкасининг янги кадастр плани чизилади;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига, шунингдек кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

юридик ва жисмоний шахсга ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

* * *

Юридик шахслар — ишлаб чиқарувчилар ёки улгуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслардан харид қилинган товарларни якка тартибдаги тадбиркор томонидан сотиш чоғида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб нималар ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда 2958-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва 2017-68-сонли қарор билан тасдиқланган «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-13-бандларига кўра, ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар Товар чеклари дафтари юритишлари шарт.

Ҳисоб дафтаридаги ёзувлар уларни тўғрилигини тасдиқлаш учун Ҳисоб дафтари билан бирга сақланадиган ҳужжатлар асосида юритилади.

Куйидагилар юридик шахслар — ишлаб чиқарувчилар ёки улгуржи савдо билан шуғулланадиган юридик шахслардан харид қилинган товарларни сотиш чоғида товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

шартнома;

агар шартномада олдиндан тўла ёки қисман ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлангани тўғрисида тўлов топшириқномасининг нусхаси. Агар шартномада олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилмаган бўлса, сотиш пайтида тўлов топшириқномасининг нусхаси талаб қилинмайди, лекин етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўланганидан кейин, товарларни харид қилиш манбаини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан бирга, белгиланган муддат мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади;

товарлар олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

* * *

Якка тартибдаги тадбиркорнинг товарлари сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб нималар ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда 2958-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва 2017-68-сонли қарори билан тасдиқланган «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандига асосан куйидагилар товарлар сотилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади:

назорат-касса машинаси умумий кўрсаткичи («Z» ҳисоботи) - назорат-касса машинаси қўлланилиши билан товарлар сотилганда;

банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари нусхалари — ҳисоб-китоб терминали қўлланилганда;

товар чеклари дафтари — товар чеки берилганда.

**Олий суд катта консультанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**